




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЁРЛАШ ВА УЛАРНИ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



“ОЛИЙ ҲАМШИРАЛИК ИШИ “



ТОШКЕНТ 2021

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР ҚАДРЛАРИНИ ҶАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ ҚАДРЛАРНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ  
МАРКАЗИ**

**“Олий ҳамширалик иши” йўналиши**

**“ОЛИЙ ҲАМШИРАЛИК ИШИДА АХОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАСАЛЛАРИ”**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчилар: X.E.Рустамова – ТДСИ “Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни бошқариш ва жисмоний маданият” кафедраси профессори, т.ф.д.

Такризчилар: Разикова И.С. – ТМА Аллергология, клиник иммунология ва хамширалик иши кафедраси мудири, т.ф.д., профессор Мухамедханова Ш.Т. – ТошПМИ ОМХ факултети декани, т.ф.н., доцент

*Ўқув-услубий мажмуа Тошкент тиббиёт академияси Кенгашининг 2020 йил 25-декабрдаги 7-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

1. ИШЧИ ДАСТУР .....	5
2. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....	13
3. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....	23
4. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАР .....	62
5. ГЛОССАРИЙ .....	83
6. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	85

# **ИШЧИ ДАСТУР**

## **Кириш**

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб Республикамиз ҳалқ хўжалигининг барча соҳаларида чуқур ислоҳотлар бошланди. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш Президентимиз ва хукуматимизнинг доимий диққат марказида бўлиб, давлатимизнинг энг устивор ижтимоий масалаларидан бирига айланди. Ушбу ўқув-услубий мажмуа ўқитищдан мақсад умумий саломатликнинг, инсон саломатлигининг қонуниятлари, аҳоли ва фуқаролар соғлигини сақлаш ва янада яхшилашнинг ташкилий, амалий, услугубий ва назарий асослари бўйича кўникмалар ҳосил қилиш фанини ўқитиш асосий мақсад ҳисобланади. Валеологиянинг асосий муаммолари ва вазифалари, ”саломатлик” ва ”касаллик”нинг ижтимоийлиги, ”саломатлик” ва ”хасталик” тушунчаларининг категориялари, соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича стандартлар ишлаб чикиш, жамият, индивидуал саломатлик, соғлом шахслар саломатлигини сақлаш бўйича турмушда амал килинадиган муҳим принциплар ва махаллий бошқарув органлари, умумий амалиёт шифокорининг соғлом шахслар соғлигини муҳофазалашдаги роли.

Мустақил ривожланиш йилларида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишни давом эттириш ва янгилаш имконини бераётган мустаҳкам пойdevor яратилди. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ 2909 – сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш** Давлат дастурининг энг муҳим қоидалари ва мақсадли вазифалари умуман муваффақиятли амалга оширилмоқда. Тиббий хизмат кўрсатиш тизими амалда тўлиқ қайта кўриб чиқилди, республикада соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишнинг принципиал янгича ёндашувлари ишлаб чиқилди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956–сонли “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада**

**ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарори асосида тиббиёт соҳасида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди.** Ўтган 25 йил ичида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, янги давлат таълим стандартларини яратиш, ўқув жараёнига янги ахборот –коммуникацион, педагогик, таълим технологияларини жорий этиш, ҳозирги замон талабидан келиб чиққан ҳолда малакали тиббиёт ходимларини тайёрлаш бўйича республикамизда таълим соҳасида катта ислоҳотлар амалга оширилди. Тиббиёт ходимларини профессионал билим даражасини ошириш мақсадида кадрлар тайёрлашни бир нечта босқичларда олиб бориш тизими яратилди.

### **Модулинг мақсади ва вазифалари**

**“Олий ҳамширалик ишида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш масалалари” модулининг мақсади:** Умумий саломатликнинг, инсон саломатлигининг қонуниятлари, аҳоли ва фукаролар соғлигини сақлаш ва янада яхшилашнинг ташкилий, амалий, услубий ва назарий асослари бўйича кўникмалар ҳосил қилиш. ОҲИда профилактиканинг замонавий муаммолари хақида билимларини такомиллаштириш, педагогик муаммоларни аниқлаш, тахлил этиш ва бахолаш, олий ҳамширалик иши таълим йўналишига назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентлткни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

**“Олий ҳамширалик ишида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш масалалари” модулининг вазифалари:**

- замонавий олий ҳамширалик ишида профилактика назарияларини тадбиқ қилишда педагогик маҳоратдан фойдаланиш;
- педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар , таълим ва тарбия хақидаги хужжатлар;
- Олий ҳамширалик ишида профилактиканинг тарақиёт йўналишлари ва инновациялари хақида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш ва чуқурлаштириш;

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенция қўйиладиган талаблар**

**“Олий ҳамширалик ишида аҳоли сalomатлигини муҳофаза қилиш масалалари”** модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

**Тингловчи:**

- аҳоли сalomатлигини сақлаш ва уни мустаҳкамлаш мақсадида олиб бориладиган санитария статистик тадқиқотларни ўтказишни;
- Ўзбекистонда аҳоли сalomатлигини муҳофазалаш тизимини;
- Ўзбекистон Республикасининг фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисидаги хуқуқий-норматив хужжатларни **билиши** керак.

**Тингловчи:**

- аҳоли сalomатлик ҳолатини тахлил этиши, ”саломатлик” ва “хасталик” категорияларини,
- Аҳоли сalomатлигига таъсир этувчи турмуш тарзи омилларини аниқлаш,
- статистик тадқиқотларнинг умумий назарияси, статистик кузатишларни ташкил этиш;
- статистик тадқиқотлар натижаси материалларни расмийлаштириш ва уларни жамлаш, ҳисоблаш, таҳлил қилиш;
- ҳамширанинг амалий иш фаолиятида математик – статистик усуслардан фойдалана олиши лозим бўлган **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- ижтимоий-гиеник тадқиқотларни ўтказишида фаол иштирок этиш;
- “Саломатликни муҳофазалаш”, яъни касалликларни олдини олиш, - умрни узайтириш кабиларни эрта ташҳислай олиш;
- касалликлар профилактикасини амалга оширишни жорий этиш;
- инсон турмуш даражаси, сalomатлигини яхшилаш, қўллаб қувватлашга қаратилган ижтимоий механизmlарни ишлаб чиқиш ва амалиётда татбиқ этиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

### **Тингловчи:**

- тиббиёт илмига оид журналларни доимо мутолаа қилиш;
- Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги буйруқларига амал қилиш;
- турли ёшдагиларга соғлом турмуш тарзини тадбиқ қилиш кўникмаларини эгаллаш;
- касалликларнинг олдини олишнинг замонавий усулларини амалиётга татбиқ этиш **компетенцияларини эгаллаши лозим.**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

**“Олий ҳамширалик ишида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш масалалари”** курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Олий ҳамширалик ишида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш масалалари” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педагогик муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

**Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

№	<b>Модул мавзулари</b>	<b>Тингловчининг ўқув юкламаси, соат</b>					
		<b>Хаммаси</b>	<b>Аудитория ўқув юкламаси</b>				
			<b>Жами</b>	<b>Назарий</b>	<b>Амалий</b>	<b>Жумладан</b>	<b>машғулот</b>
							<b>Кўчма</b>
<b>НАЗАРИЙ ҚИСМ (маъruzалар)</b>							
1	<b>Ахоли саломатлиги ва уни ўрганишда санитария-статистик тадқиқотларни ўрни.</b>		6	6	2	4	
2	<b>Саломатликни муҳофазалаш борасида ҳамширанинг амалий иш фаолиятида илмий асосланган ижтимоий-гигиеник тадқиқотларни ахамияти.</b>		4	4	4		
3	<b>Ўзбекистонда ахоли саломатлигини муҳофазалаш тизими.</b>		6	6	2	4	
	<b>Жами</b>		16	16	8	8	

## **НАЗАРИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу: Ахоли саломатлиги ва уни ўрганишда санитария-статистик тадқиқотларни ўрни.**

1. Ахоли саломатлигини сақлаш ва уни мустаҳкамлаш тамойиллари
2. Ахоли саломатлигини ўрганишда санитария-статистик тадқиқотларни ўрни.
3. Статистик тадқиқотларнинг умумий назарияси, статистик кузатишларни ташкил этиш, олинган материалларни расмийлаштириш ва амалиетга тадбиқ этиш учун тавсиялар тайёрлаш қоидалари

**2-мавзу: Саломатликни муҳофазалаш борасида ҳамширанинг амалий иш фаолиятида илмий асосланган ижтимоий-гигиеник тадқиқотларни ахамияти.**

1. Ҳамширанинг амалий иш фаолиятида математик – статистик усулларнинг ўрни
2. Ахоли саломатлигини ўзгариши қонуниятларини, унга ташқи муҳит таъсирини аниқлаш
3. Ахоли саломатлигига таъсир этувчи хавф омилларини ўрганиш усуллари ва ўтказилган тадқиқотлар ёрдамида ахоли ёки унинг айрим гуруҳлари саломатлигини янада яҳшилаш борасидаги чора-тадбирларини ўтказиш босқичлари.
4. Ахоли орасида касалликларни олдини олиш, умрни узайтириш, ақлий ва жисмоний саломатликни таъминлаш тамойиллари
5. Атроф-муҳитни соғломлаштириш, инсонларни шахсий гигиена қоидаларига ўргатиш йўллари
6. Юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларга қарши кураш, эрта ташхислаш ва касалликлар профилактикасини амалга ошириш йўллари

### **3-мавзу: Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини муҳофазалаш тизими.**

1. Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини муҳофазалашга қаратилган меёрий-хуқуқий хужжатлар
2. Фуқароларнинг соғлигини сақлашга доир ҳуқуқлари ва мажбуриятлари
3. Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг фуқароларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш соҳасидаги фаолияти.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-Мавзу: Аҳоли саломатлиги ва уни ўрганишда санитария-статистик тадқиқотларни ўрни.**

1. Санитария статистик тадқиқотларни ўтқазиш қоидалари.
2. Статистик кузатишларни ташкил этиш, олинган материалларни расмийлаштириш ва уларни жамлаш, ҳисоблаш қоидалари.
3. Статистик таҳлил усуллари.

### **2-Мавзу: Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини муҳофазалаш тизими.**

1. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисидаги Қонун, Фармон ва қарорлари, буйруқлар.
2. Касалликларни олдини олиш, умрни узайтиришга қаратилган чора-тадбирлар
3. Аҳоли орасида ақлий ва жисмоний саломатликни фаоллаштириш масалалари
4. Атроф-муҳитни соғломлаштириш масалалари
5. Юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларга қарши кураш муоммалари
6. Инсонларни шахсий гигиена қоидаларига ўргатишда хамшираларнинг роли
7. Касалликларни эрта ташхислаш ва профилактикасини амалга ошириш чора-тадбирлари

## **ҮҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шакларидан фойдаланилади:

- ўқув ишини ташкиллаштиришнинг интерфаол шакларидан: бинар-маъруза, савол-жавобли маъруза, сухбат-маърузалар орқали ташкиллаштириш назарда тутилган.

- ўқув фаолиятини ташкил этиш шаклари сифатида қуидагилардан фойдаланиш назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида оммавий, жуфтлик, индивидул;

## П МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ



«SCAMPER» усули

<b>SUBSTITUTE (АЛМАШТИРИШ)</b>	нимага билан алмаштириши мумкин?
<b>COMBINE (БИРЛАШТИРИШ)</b>	нималарни бирлаштириши мумкин?
<b>ADAPT(МОСЛАШТИРИШ)</b>	нимага мослаштириши мумкин?
<b>MODIFY/MAGNIFY(МОДИФИКАЦИЯ БОШҚА ТУРИ (ХОЛАТИ))</b>	Қандай яхшилашим мумкин? (ортиқча шиланган, етмаяпты)
<b>PUT TO OTHER USES (БОШҚАСОҲАЛАРДАҚЎЛЛАШ)</b>	Нима ўзгариши мумкин? (маълумотни шакли, белгилар, ранг ва бошқалар)
<b>ELEMINATE(ҚИСҚАРТИРИШ)</b>	яна қандай ҳолда қўллаш мумкин?
<b>REARRANGE/REVERSE (ТАРТИБИНИ ЎЗГАРТИРИШ)</b>	Нимани қайта тиклаш мумкин? (Буюртмани ўзгартириши, компонентларни алмаштириши)

**Технологиянинг мақсади:** мураккаб масалаларни ечишда янги идеялар қидириб топишга ёрдам берадиган самарали схема. Бу технологиянинг келиб чиқишига барча янги идеялар эскиларининг модифицирланган шакли эканлигига тасдиқловчи кузатувлар сабаб бўлган.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига «SCAMPER» технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари гурухий тартибда тақдимот қилинади.

«SCAMPER» усули қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна:**

**Фикр:** “ЮКТ каслликларини олдини олишда тўғри овкатланишнинг самарадорлигини исботланг”.

**Топширик:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни «SCAMPER» орқали таҳлил қилинг.

**“KWHL креатив” усули**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.

<i>KWHL креатив таълим усули</i>	
<b>Нималарни биламан:</b>	<b>Нималарни билишини хоҳлайман, нималарни билишим керак:</b>
<b>3. Қандай қилиб билиб ва топиб оламан:</b> -	<b>Нималарни билиб олдим:</b>

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар машғулотнинг бошида ва машғулотнинг охирида олган билимларини намойиш этадилар.


## “Дизайн фикрлаш” методи.

**Методнинг мақсади:** қадамба қадам амалга ошириладиган усул бўлиб оддийдан мураккабга қараб боради. Билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

**Эмпатия-** 1 қадамда тингловчи мавжуд муаммога максимал “кўмилиши” керак

**Фокуслаш-** 2 қадамда барча йифилган билимлар масалани ечиш учун конкретлаштирилади. Аналитик фикрлаш ва асосийсини топишга ўргатади.

**Фоя-** 3 қадам, мия хужуми ёрдамида турли варианtlарни ичидан энг фойдалиси, камхаражатлиси танлаб олинади. Бу ғояни таклиф қилган ўкувчи уни химоя қила олиши керак.



**Прототип-** 4 қадам. Ушбу ғоянинг прототипини, моделини ёки макетини ясаш, ролли ўйин ёрдамида кўрсатиб бериш.



Мисол: Смартфон моделини танлаш



Мисол: Автобус бекати моделини танлаш



Мисол: “Ролли ўйин” орқали кўрсатиб бериш.

**ТЕСТ-** 5 қадам, прототипни амалиётда синааб кўриш. Қайта боғланишни амалга ошириш.

### “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

**Намуна:** Буйрак трансплантациясининг таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Буйрак трансплантациясининг кучли томонлари	Бемор оғир буйрак етишмовчилигидан халос бўлади
W	Буйрак трансплантациясининг кучсиз томонлари	Трансплантация усулининг буйрак етишмовчилигидан фойда бермаслиги, донорларни топиш мураккаблиги
O	Буйрак етишмовчилигидан трансплантациясининг имкониятлари (ички)	Бемор доимий дорилар билан даволанишдан халос бўлади, жисмоний меҳнатни бажара олади
T	Тўсиқлар (ташқи)	Республикамизда трансплантология яхши ривожланмаганлиги

### Кейс-стади методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижা (What).

## “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

<b>Иш Босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишитириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиши(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

**Кейс. “Ёш оила” мақсадли гурӯҳида руҳий аспектлар.** Руҳий аспектлар учун стандартлар қўйидаги фазилатларда намоён бўлиши мумкин: толерантлик яъни ҳамжиҳатлиқда, жон куярликда, оқиласликда, одоб-ахлоқда ва хушмуомалалиқда. Аёллар эса:*бокиралик, мулойимликни шакллантиришлари лозим, ҳамиша ўзиникини уқтиришига интилишидан қочишлари керак*. Булғуси турмуш ўртоқларнинг руҳий мослигини аниқлашда, популяцион алгоритмни яратиш энг

мухим омил ҳисобланади. *Популяцион алгоритм* қўйидаги йўналишлар билан белгиланади: руҳий мослик – психолог маслаҳати, ёш инсонларни руҳий тайёрлаш билимларини шакллантиришни таълим тизимиға киритиш; жинсий тарбия ва интим муносабати маданиятини шакллантириш.

### Кейсни бажариш босқчилари ва топшириклар:

- Бемордаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик групда).
- Беморни диагноз қўйиш ва даволашдаги ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

### Венн Диаграммаси методи.

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### Методни амалга ошириш тартиби:


- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик групчаларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан групҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

## Намуна: Юрак нуксони синдромига хос



## Кластер усули

Умумий амалиёт ҳамшираси СТТ шакллантиришга қаратилған қандай текширувларни ўтказа олиши керак.



## **Таққослаш усули.**


Касалликларни олдини олиш

Бирламчи профилактика	Иккиламчи профилактика

## **Соғлом турмуш тарзи**

Профилактика	Реабилитация

## **Мойчечак усули**



## **“ИНСЕРТ” усули**

<b>Белгилар</b>	<b>Нимани билдиради</b>
“ V”	Мен буни биламан ва қўшиламан
« +»	Мен учун янги информация
“ _”	Мен билган информацияларга зид
“ ? ”	Бу информацияни текшириб кўриш керак

### **ІІІ НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **“Олий ҳамширалик ишида ахоли саломатлигини мухофаза қилиш масалалари”**

**1-мавзу: Ахоли саломатлиги ва уни ўрганишда санитария-статистик тадқиқотларни ўрни.**

4. Ахоли саломатлигини сақлаш ва уни мустаҳкамлаш тамойиллари
5. Ахоли саломатлигини ўрганишда санитария-статистик тадқиқотларни ўрни.
6. Статистик тадқиқотларнинг умумий назарияси, статистик кузатишларни ташкил этиш, олинган материалларни расмийлаштириш ва амалиетга тадбиқ этиш учун тавсиялар тайёрлаш қоидалари

**Калит сўзлар:** ахоли саломатлиги, соғлиқни сақлаш тизими, қонун, санитария-статистик тадқиқотла.

Ахоли саломатлигини сақлаш ва уни мустаҳкамлаш мақсадида ўтқазиладиган санитария статистик тадқиқотларни ўтказишида нафақат шифокор-тадқиқотчи, балки ҳамшира ҳам қатнашади. Ҳамшира ҳам тиббий статистиканинг назарий асослари бўлган материалистик диалектика, сиёсий иқтисод ва ўтказилаётган тадқиқот соҳасидаги тиббиёт фанлари ҳақида этарли маълумотга эга бўлиши керак. Бундан ташқари статистик тадқиқотларнинг умумий назарияси, статистик кузатишларни ташкил этиш, олинган материалларни расмийлаштириш ва уларни жамлаш, ҳисоблаш қоидалари ва статистик таҳдил усувлари ҳақида билимга эга бўлиши керак. Ҳамшира ўз амалий иш фаолиятида, илмий асосланган танлов ва ҳисоблаш усули бўлган математик – статистик усувлардан фойдаланиш, ижтимоий-гигиеник тадқиқотларни ўтказишида қатнашиш ва ахоли саломатлигини ўзгариши қонуниятларини ўрганиш, уларга ташки муҳит таъсирини аниқлаш ва ўтказилган тадқиқотлар ёрдамида ахоли ёки унинг айрим гуруҳлари саломатлигини янада яҳшилаш борасидаги чора-тадбирларини ўтказиши

кабиларда фойдаланади.

Статистика - бу жамият фанларидан бири бўлиб, у жамият орасида учрай-диган ҳодисаларнинг микдор ўзгаришларини, сифат ўзгаришлари билан боғлаб ўрганадиган фандир.

Статистика фани жамият ҳаётининг қайси соҳасига тегишли ҳодисаларни ўрганишига қараб, у шу соҳанинг номи билан аталади: саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо, коммунал хўжалик, суд статистикаси ва ҳоказолар. Жамият фанларидан ташқари статистик услублар биология, кимё, физика фанларида ҳам қўлланилади ва улар биологик, кимё, физик статистикаси номлари билан юритилади.

Тиббиёт, гигиэна, соғлиқни сақлаш билан боғлиқ масалаларни ўрганадиган статистика тиббиёт ёки санитария статистикаси деб аталади.

Тиббиёт статистикаси жамоат соғлигини сақлаш фанининг асосий бир бўлаги ҳисобланади ва у ўз навбатида икки қисмга бўлинади: аҳоли саломатлиги статистикаси ва соғлиқни сақлаш статистикаси.

Аҳоли саломатлигини сақлаш ва уни мустаҳкамлаш каби масалаларни ҳал этиш учун аҳоли саломатлигига таъсир этувчи асосий омилларни аниқловчи ва уларнинг конуниятларини очиб берувчи, ижтимоий-гигиэнник тадқиқотларда кенг қўлланиувчи статистик услубларга мурожаат этилади.

Статистик усул аҳоли саломатлигини ва ундаги ўзгаришларни, тиббиёт муассасаларини фаолиятини ва унинг самарасини объектив баҳолаш имконини беради. Клиник, экспериментал илмий тадқиқотларда санитария статистикаси ўрганилаётган ҳодисаларнинг моҳиятини, ички қонуниятларини очиб беради. Статистик усулнинг энг муҳим босқичларидан бири олинган маълумотларни йиғищ, таҳлил этиш ва баҳолашдан иборатdir.

Статистик усул кўпроқ математик статистикага суюнган ҳолда тадқиқот натижаларини ҳисоблайди ва таҳлил этади. Уларга нисбий қийматлар, ўртача қийматлар, стандартлаш усули, коррелясион таҳлил, дисперсион таҳлил каби баҳолаш мезонлари ва бошқалар киради.

Статистик тадқиқотлар аҳоли орасидаги туғилиш, ўлим, касалланишларни,

уларнинг катталикларини ва қонуниятларини очиб бериш учун қисқа умумий дастур орқали, уларга таъсир этувчи ижтимоий - гигиэнник, тиббий - биологик омиллар ва тиббий ёрдамнинг ташкил этилганлигини кенг ва чуқур дастур орқали олиб борилиши ва ўтказилиши мумкин.

Ҳар қандай ташкил этилган статистиктадқиқотлар бир турдаги схемага асосланган ва бир хил статистик босқичлардан иборат.

Санитария - статистик тадқиқотлар бирма - бир давом этувчи 4 босқичдан иборат:

- 1 - босқич - тадқиқот режасини ва дастурини тузиш.
- 2 - босқич - статистикмаълумот йиғиша кузатиш.
- 3 - босқич - олинган статистик маълумотларни гуруҳлаш, жамлаш ва ҳисоблаш.
- 4 - босқич - статистиктаҳлил, хulosалар чиқариш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш.

Биринчи босқич - асосий таергарлик босқичи ҳисобланади, чунки тадқиқотларни натижаси олдиндан тўғри тузилган аниқ режа ва дастур асосида олиб борилишига боғлиқ.

Иккинчи босқич – бунда статистик кузатишлар ёки статистик маълумот йиғиши амалга оширилади. Бу босқич тиббиёт муассасаларидағи маълум қайд этувчи ҳужжатларни ҳамшира томонидан тўлдириш орқали амалга оширилади.

Учинчи босқич – йиғилган статистик маълумотларни гуруҳларга ажратиш, жадвалларга ўтказиш, уларни жамлаш ва мутлоқ қийматлардан нисбий қийматлар келтириб чиқаришдан иборат.

Тўртинчи босқич – олинган катталикларни таққослаш, солишириш, уларга баҳо бериш ва амалиётга тадбиқ қилишдан иборат. Бу босқичда ўрганилаётган ҳодисага омилларнинг таъсирини ўрганиш ва уларни қонуниятларини аниқлаш учун ҳар - хил математик усуллар (коррелятсия, стандартизатсия, олинган маълумотлар аниқлигини баҳолаш) кўлланилади. Умуман статистик тадқиқот олинган натижаларни таҳлил қилиш, ўтказилган тадқиқот хulosаларини амалиётга тадбиқ қилиш билан якунланади.

Биринчи босқич - тадқиқот режасини ва дастурини тузиш. Бу босқич тадқиқотни олиб бориши учун таергарлик босқичи ҳисобланиб у кузатув дастурини, режасини, кузатувдан олинган ма`лумотларни қайд этувчи хужжатни тузишни ўз ичига олади ва кузатувнинг тури, тадқиқот усули, керакли кузатувлар сонини аниқлайди.

Кузатув дастурини тузишида, биринчи навбатда кузатув мақсади ва шу мақсадга эришиш учун бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинади.

Масалан: Мақсад – “аҳоли орасидаги касалланишларни ўрганиш” деб ёритилганда у мавхум бўлиб қолади. Бунинг учун эса қайси тур касалликлари, аҳолининг қайси грухида ўрганилиши ва охирги босқичда олинадиган натижаларга қараб амалиётга тавсиялар берилиши қисқа, аниқ ва равshan қилиб ёритилган бўлиши шарт.

Кўзда тутилган мақсад - мавзу факат тадқиқотчигагина тушунарли бўлиб қолмасдан, балки у бошқа мутахассис ва лавозимда ишлайдиган шахсларга ҳам тушунарли бўлиши керак.

Масалан: Тумандаги бир ёшли болалар ўлимининг асосий сабаблари ва уни камайтириш йўллари.

Одатда ҳар қандай мақсадга тўла эришиш учун санитария - статистик ва ижтимоий - гигиеник тадқиқотларда қуйидаги вазифалар ўз аксини топган бўлиши керак:

1. Ўрганилаётган статистик мажмууда, олинган кузатув бирлигини тарқалганлиги, унинг натижалари.
2. Олинган воқеа ёки ҳодисанинг ма`лум минтақалар ва давр орасида ўзгаришлари.
3. Воқеа ёки ҳодисага умумлаштирилган тавсил бериш ва уни бир неча статистик мажмуулар орасида таққослаш (нисбий ва ўртача қийматлар орқали).
4. Олинган статистик қийматларни аниқлигини баҳолаш.
5. Натижавий белгига (касалланиш, ўлим кўрсаткичларига) ижтимоий - гигиеник, ижтимоий – иқтисодий, табиий, экологик омилларни та`сирини

ўрганиш.

6. Омиллар орасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш.
7. Натижавий белгилар орасидаги ўзаро алоқадорликни аниқлаш.
8. Ўтказилган тадқиқот якунига асосан амалиётга керакли таклифлар ва тавсиялар бериш.

Унча катта бўлмаган сатистик тадқиқотларда вазифалар одатда 4 - 6 тадан ошмаслиги керак.

Тадқиқотчи ма`лум бир мақсад ва вазифаларни олдига қўйишдан олдин шу хақдаги тегишли адабиётлар билан тўла танишган бўлиши керак.

Статистик кузатувнинг режаси деганда:

1 – кузатув олиб бориладиган об`ектни; 2 – кузатув бирлигини; 3 – кузатув олиб бориладиган муддатни; 4 – кузатув ўтказиладиган жой; 5 - кузатувни кимлар олиб бориши; 6 - кимнинг раҳбарлигига олиб борилиши; 7 - тадқиқотни ўтказиш учун сарф бўладиган моддий маблағ миқдорини аниқлаш тушунилади;

Кузатув олиб бориладиган об`ект деганда, бевосита статистик ма`лумот ийғиладиган муҳит тушунилади. Бу шаҳар ёки туман аҳолиси, вилоят муқим шифохоналарида даволангандек демарлар сони, институт талабалари, минтақа ёки худудда яшовчи аҳоли, завод, фабрикаларнинг фаолияти ва бошқалар тушунилади.

Кузатув бирлиги – статистик тадқиқот олиб борилаётган муҳитнинг асосий таркибий қисми бўлиб, у қайд этилиш лозим бўлган белгиларни ўз ичига олади. Кўп ҳолларда кузатув бирлиги саноқ бирлиги деб ҳам аталади.

Кузатув бирлиги кўзда тутилган мақсадга қараб демар, ўлган шахс, соғлом инсон, оила ва бошқалар бўлиши мумкин. Кузатув бирликларининг сони статистик мажмуанинг ҳажмини (н) белгилайди.

Статистик мажмуа деб - ма`лум вақт ичидаги, ма`лум чегарада олинган мазмунан бир хил, шаклан ҳар - хил элементлардан ташкил топган гурухларга айтилади.

Статистик мажмуа 2 хил бўлади: 1.Генерал мажмуа; 2.Танлаб олинган мажмуа.

Генерал мажмуа деб - барча кузатиш бирлигини ўз ичига олган мажмууга айтилади. Генерал мажмуа тушунчаси нисбий бўлиб, у кузатишни мақсадига қараб, бир вақтнинг ўзида генерал ёки танлаб олинган мажмуа деб қаралиши мумкин. Масалан: "Н" вилоятидаги "А" туманда яшовчи болалар сони шу туман учун генерал мажмуани, вилоят болалари учун эса танлаб олинган мажмуани ташкил этади. Генерал мажмуани кўпинча чексизликка интилаётган мажмуа деб қаралади. Масалан: ОИТС касаллигини тарқалганинги билиш учун эр юзида ОИТС билан касалланган барча bemorlarни ўргана олсак, у ҳолда генерал мажмууга эришган бўлар эдик. Генерал мажмууда статистик тадқиқотлар олиб бориш учун унинг ба'зи белгиларига (вақтга, территорияга) қараб чеклаб ўрганилади Танлаб олинган мажмуа генерал мажмуани бир қисми бўлиб у маҳсус йўллар орқали танлаб олинади. Танлаб олинган мажмуани энг муҳим томонларидан бири унинг репрезентативлиги, я`ни у генерал мажмуанинг вакили ҳисобланиб, ундаги ҳамма асосий белгиларни ўзида намоён қила олиши керак.

Икки хил хусусиятларни ўзида намоён қилган бир қисм мажмуа генерал мажмууга нисбатан репрезентатив ҳисобланади:

1. Белгилари жиҳатидан генерал мажмууга ниҳоятда ўхшаш бўлиши керак.
2. Кузатувлар сони этарли бўлиши керак (генерал мажмуудан 10% ва ундан юқори).

Статистик мажмуа ўзида бир неча хил: ўхшашлик ва фарқли, сифат ва сон, омил ва натижа белгиларни намоён қилади. Масалан: "Н" туманида 2013 йилда 1 ёшгача болалар ўлимини сабаблари ўрганилаётган бўлсин. Бунда бир ёшгача ўлган болалар статистик мажмуани ташкил этади. Уларнинг асосий белгиларига қуйидагилар киради: ўхшашлик белгиси - барчаси "Н" туманда туғилган, 2013 йилда ўлган, бир ёшли;

фарқли белгилар: ўғил бола, қиз бола, онасининг ёши, ҳомиладорлик ва туғишилар сони;

сифат, яни сўз билан ифодаланадиган белгилар: жинси, ташхис, онасининг касби, уй шароити, овқатланиш характеристи;

сон, яни сон билан ифодаланадиган белгилар: боланинг ёши, онасининг ёши, ҳомиладорлик ва туғишлиар сони, боланинг вазни; омил белгилари: боланинг жинси, ёши, онасининг ёши, касби, боланинг туғилгандаги вазни, уй шароити, овқатланиш характеристи; натижа белги: ўлим.

Тадқиқотни ташкил этишни биринчи босқичида асосий ўринни статистик мажмуани тўғри ташкил этиш эгаллайди. Статистик тадқиқотлар улар ўтказиладиган вақтга, статистик мажмуани ҳажмига ва кузатиш усулига қараб ма`лум классификацияга бўлинади. Статистик тадқиқотлар кузатиш ўтказилган вақтга қараб 2 га бўлинади: лаҳзада ва жорий кузатиш. Лаҳзада кузатиш усулидан ўрганилаётган ҳодисалар тез ўзгариш хусусиятига эга бўлмаган пайтда фойдаланилади. Бу усулда воқеалар ва ҳодисаларни аниқ олинган бир вақтдаги катталиклар ўрганилади. Масалан: аҳолини рўйхатга олиш, муқим шифохонадаги ўринларни, тиббиёт муассасаларидаги ходимларни рўйхатдан ўтказиш, аҳолини профилактик қўрикдан ўтказиш, жисмоний ривожланишни ўрганиш каби тадбирлар киради. Бир вақтда ўтказиладиган кузатишлардан олинган ма`лумотлар уларни бир - бирига таққослаб, чуқур ўрганиш учун бой материаллар беради.

Жорий кузатиш усули – соғлиқни сақлаш системасида асосий усуллардан бири ҳисобланиб, ҳар хил интенсив катталикка эга бўлган воқеаларни ўрганишда қўлланилади. Жорий кузатиш усули деб - воқеаларни пайдо бўлишига қараб уларни доимий равища қайд этишга айтилади (туғилиш, ўлим, касалликлар, вақтинча иш қобилиятини йўқотганлик ҳақидаги ҳодисаларни қайд этиш шулар жумласига киради).

Бир қисм танлаб олинган мажмуани ҳосил қилишнинг бир неча хил йўллари бор:

1. монографик кузатиш ёки якка кузатиш
2. асосий даҳани кузатиш усули
3. танлаб олиш усули (типовик танлов, тасодифий танлов, механик равища танлов)

Генерал мажмуадан бир қисм танланган мажмуани ҳосил қилиш усуллари

белгилангандан сўнг тадқиқотлардан олинган натижалар аниқлигини, ишончлилигини белгилаб берувчи асосий омилларидан бири: танлаб олинган мажмуанинг тадқиқот ўтказиш учун этарли бўлган сонини аниқлаш лозим. Санитария - статистик тадқиқотларда ҳар бир кузатилаётган бирлик ҳақида ма`лумот йифишнинг бир неча усуллари бор: 1) бевосита кузатиш, 2) хужжатлар асосида ма`лумот тўплаш, 3) анамнестик (хотирлаш) анкета - сўров усуллари.

Бевосита кузатиш усулига - клиника ва лабораторияда олиб борилаётган эксперимент натижаларини қайд этиш орқали ма`лумот йифиш киради. Хужжатлар ёрдамида ма`лумот тўплаш усулида тиббиёт, санитария - эпидемиология муассасаларида қўлланилаётган ҳар хил хужжатларни ўрганиш орқали ма`лумот йигилади.

Айрим ҳолларда тадқиқотчи картадан кенг ва тўла ма`лумотлар олиш учун ўзи сезмаган ҳолда ундаги саволларни ва унинг ҳажмини керагидан ошириб юборади. Натижада йигилган ма`лумотларнинг бир қисми материалларни қайта ишлашда фойдаланилмай қолади, уни йифиш учун эса бекорга ортиқча вақт ва куч сарфланади, бундан ташқари материалларни жамлаш ва гурухлаш даврида айрим саволлар (ба`зан муҳим) анкетага киритилмагани ва уларга керакли жавоблар олинмаганлиги сезилиб қолади, бунинг учун эса қайтадан текширишлар ўтказиш лозим бўлади. Шунинг учун маҳсус анкета ёки карта тузишдан олдин тадқиқотчи ўтказиладиган тадқиқотнинг туб ма`носини ва мазмунини тушуниб этган бўлиши керак.

Иккинчи босқич - ма`лумот йифиш ва кузатиш. Бу босқич энг муҳим босқичлардан бири ҳисобланади, чунки тадқиқот якунида чиқариладиган хулосалар, ҳамда тадқиқоддан кутилаётган натижаларнинг тўғрилиги биринчи навбатда йигилган статистик ма`лумотларнинг тўлалигига ва аниқлик даражасига боғлиқ. Шунинг учун ҳам, ма`лумот йифиш учун маҳсус тайёргарликдан ўтган ёки шу ўрганилаётган соҳа бўйича этарли малакага эга бўлган шахслар жалб этилиши керак. Ижтимоий - гигиэник тадқиқотларда ма`лумотларни қайд этиш учун ҳар - хил хужжатлардан фойдаланилади: давлат статистикаси қўмитасининг маҳсус тиббий ва статистик хужжатлари

(муқим шифохонада ётган беморнинг картаси, амбулатория беморининг картаси, болаларнинг ривожланиш тарихи, туғруқ ва ўлим ҳақидаги гувоҳнома ва ҳоказо);–

тиббий ва статистик ҳужжатлардан ма`лумотларни кўчириб ёзиш учун тузилган махсус карталар;–

ҳар бир конкрет кузатилаётган бирлик учун тузилган махсус анкета, савол - жавоб варақаси, кундаликлар ва ҳоказо.–

Материал йиғиш давомида олинган ма`лумотларнинг сифатини доимо назорат қилиб бориш, барча материаллар йиғиб бўлингандан сўнг уларни сифат ва миқдор жиҳатдан тўғри тўлдирилганлигини текшириш керак.

Айрим саволларга тўлиқ жавоб олинмаган карталар иложи бўлса қайтадан тўлдирилади, бўлмаса у тадқиқот кузатувидан чиқарилиб юборилади.

Учинчи босқич - йигилган материалларни гуруҳларга ажратиш, жамлаш ва ҳисоблаш. Бу босқич ўз навбатида иккита кичик босқичларга бўлинади:

- а) ма`лумотларни гуруҳларга ажратиш;
- б) жамлаш ва ҳисоблаш;

Гуруҳлаш деганда - барча йигилган статистик материалларни уларнинг бирлаштирувчи (ўхшашлик) белгилари бўйича айрим гуруҳларга ажратиш тушунилади.

Барча ва ўргатилаётган ҳодисаларнинг жараёнини, қонуниятларини чукур тушуниб этган ҳолда гуруҳларга ажратиш тақозо этилади. Гуруҳлаш ўтказилаётган тадқиқотнинг мақсадига бевосита боғлиқ бўлади ва у ўрганилаётган белгининг фарқи ва сонига қараб 2 хил бўлади:

1. атрибутив, типологик гуруҳлаш - бунда белигининг сифатий таркибиغا қараб гуруҳларга ажратилади. Масалан: яшаш жойига қараб, шахар ва қишлоқ, жинси бўйича эркак ва аёл, ижтимоий ҳолати бўйича ишчи ва хизматчи ва беморларнинг ташхисларига қараб гуруҳларга ажратиш.
2. вариатсион гуруҳлашада эса белгининг миқдорий таркибиغا қараб гуруҳларга ажратилади. Масалан: аҳолининг Ёшига, вазнига, бўйига, беморларнинг муқим Шифохоналарда даволаниш муддатига қараб

гурухларга ажратилади.

Жуда кўп гурухларга ажратиш, олиниши лозим бўлган ма`лумотларни майдаланиб кетишига ва ҳодисаларнинг айрим қонуниятларини очилмай қолишига олиб келади, кам сонли гурухлар эса, ўз навбатида воқеаларнинг характерли томонларини очиб бера олмайди. Гурухлаш статистик материалларни жамлаш учун асос бўлиб хизмат қиласди. Жамлаш - статистик кузатиш натижасида олинган, якка ҳолда учрайдиган ҳодисаларни йиғиши, ма`лум гурухларга ажратиш демакдир. Жамлаш босқичида айрим якка ҳолда ёзилган белгилар йиғилиб, ўрганилаётган мажмуага миқдорий сон жиҳатидан тавсиф берувчи жадвалларга ўтказилади. Ма`лумотларни жамлаш натижалари статистик жадвалларда акс эттирилади.

Статистик жадваллар икки хил бўлади: оддий ва мураккаб.

Статистик жадваллар статистик маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилишда бир универсал воситаси сифатида хизмат қиласди.

Мураккаб жадваллар ўз навбатида гурухлашган ва конбинатсион жадвалларга бўлинади. Ҳар қандай жадвал унинг моҳиятини кўрсатувчи эга ва эганинг моҳиятини очиб берувчи кесимдан иборат бўлади. Одатда жадвалнинг эгаси чап томондаги қаторларда, жадвалнинг кесими эса юқоридаги устунларда жойлашган бўлади. Ҳар қандай жадвал ма`лум номга эга бўлиб, у жадвалда келтирилган ма`лумотларнинг қисқа ва аниқ ҳолда туб моҳиятини кўрсатиб беради.

Оддий жадвалларда (жадвал 1) статистик материал фақат битта белги бўйича сон жиҳатдан тақсимланади. Гурухлашган жадвалда (жадвал 2) эса статистик материал бир - бирига боғлиқ бўлган икки белги бўйича, комбинатсион жадвалда (жадвал 3) эса бир - бирига боғлиқ бўлган учта ва ундан кўп белгилар бўйича тақсимланади. Жадваларни макетини олдиндан биринчи босқичда таерланади. Жамлаш ва ҳисоблаш замонавий электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида статистик - математик усуллардан фойдаланган ҳолда ўтказилади.

Тўртинчи босқич – статистик таҳлил, хуросалар чиқариш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш. Барча статистик ма`лумотларни жадвалларга

ўтказиб, улардан нисбий, ўртача қийматлар келтириб чиқарилгандан сўнг, олинган натижаларни яққолроқ ва кўргазмали қилиб ифодалаш учун ҳар хил диаграммалардан фойдаланилади.

Тадқиқот якунида, тадқиқот натижасида олинган ва илмий адабиётларда келтирилган ма`лумотларга асосланган ҳолда тадқиқотнинг хуносалари келтирилиб чиқарилади, ҳодисаларнинг қонуниятлари очиб берилади ва аҳоли саломатлигини янада яхшилаш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг ишини мувофиқлаштириш, ҳамда самарасини ошириш борасида амалиётга таклифлар киритилади.

### ***Назорат саволлари:***

1. Тиббиёт статистикаси нимани ўрганади?
2. Санитария-статистик тадқиқотларни 1 босқичи?
3. Санитария-статистик тадқиқотларни 2 босқичи?
4. Санитария-статистик тадқиқотларни 3 босқичи?
5. Санитария-статистик тадқиқотларни 4 босқичи?
6. Статистик мажмуа турлари

### **ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Маматкулов Б. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш. Т. 2019.
2. Маматкулов Б. Соғлиқни сақлаш менежменти ва иқтисодиёти. Т., 2015.
3. Маматкулов Б., Рустамова Х.Е. Жамоада ҳамширалик иши. Т. 2016.
4. Аҳоли соғлигини муҳофазалаш қилиш тўғрисидаги Қонун. 1996йил.

**Интернет сайтлар:** [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz), [www.sestra.ru](http://www.sestra.ru), [tma.uz](http://tma.uz)

**2-мавзу: Саломатликни муҳофазалаш борасида ҳамширанинг амалий иш фаолиятида илмий асосланган ижтимоий-гигиеник тадқиқотларни аҳамияти.**

1. Аҳоли саломатлигини ўзгариши қонуниятларини, унга ташқи мухит таъсирини аниқлаш
2. Аҳоли саломатлигига таъсир этувчи хавф омилларини ўрганиш усуллари ва ўтказилган тадқиқотлар ёрдамида аҳоли ёки унинг айrim гурухлари саломатлигини янада яҳшилаш борасидаги чора-тадбирларини ўтказиш босқичлари.
3. Аҳоли орасида касалликларни олдини олиш, умрни узайтириш, ақлий ва жисмоний саломатликни таъминлаш тамойиллари
4. Атроф-мухитни соғломлаштириш, инсонларни шахсий гигиена қоидаларига ўргатиш йўллари
5. Юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларга қарши кураш, эрта ташхислаш ва касалликлар профилактикасини амалга ошириш йўллари

**Калит сўзлар:** Саломатлик, демография, касалланиш, ногиронлик, жисмоний ривожланиш

Жаҳон Соғлиқни Сақлашни Ташкилоти (ЖССТ) 1948-йилда қабул қилган низомида келтирилган таърифича: саломатлик - бу нафақат касаллик ва жисмоний камчиликларнинг бўлмаслиги, балки соғлом, жисмоний, руҳий ва ижтимоий ҳолатга эга бўлишликдир.

Аҳоли саломатлигига баҳо беришда уларнинг 4 та даражасини қайд этиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Алоҳида шахс саломатлиги – индивидуал саломатлик.
2. Ижтимоий ва этник гуруҳ саломатлиги – гуруҳ саломатлиги.
3. Маъмурий минтақавий аҳолининг саломатлиги – минтақавий ёки регионал саломатлик.
4. Жамоат, популясия саломатлиги - жамоат саломатлиги.

ЖССТ хужжатларида одамлар саломатлиги бу - ижтимоий сифат эканлиги бир неча бор таъкидланиб, уни баҳолашда қўйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилади:

- ялпи ички маҳсулотлардан соғлиқни сақлашга ажратилган умумий харажат;
- бирламчи тиббий – ижтимоий ёрдамнинг оммабоплиги; –

аҳолини тиббий ёрдам билан қамраб олингандиги;—  
аҳолини эмлаш даражаси;—  
малакали мутахассислар билан ҳомиладорларни текшириш даражаси;—  
болаларнинг овқатланиш ҳолати;—  
болалар ўлими даражаси;—  
кутилаётган ўртacha умр;—  
аҳолининг гигиеник саводхонлиги.—

Тиббий ижтимоий тадқиқотларда айрим гурух, минтақавий жамоат саломатлигига баҳо беришда қуйидаги қўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. Демографик қўрсаткичлари.
2. Касалланиш қўрсаткичлари.
3. Ногиронлик қўрсаткичлари.
4. Жисмоний ривожланиш қўрсаткичлари.

Демографик қўрсаткичларига тугъилиш, ўлим, болалар ўлими, перинатал ўлими, оналар ўлими, серпуштлик, табиий ўсиш, ўртач яшаш давомийлиги каби қўрсаткичлар киради.

Касалланиш қўрсаткичларига бирламчи касалланиш, умумий касалланиш, вақтинч меҳнат қобилиятини ёқотиш касалланиш, жароҳатланиш, тиббий қўриқда аниқланган касалланиш қўрсаткичлари, касалланиш динамикаси ва ҳоказолар киради.

Ногиронлик қўрсаткичларига бирламчи ногиронлик (календар йили давомида маъмурий ҳудуда рўйхатга олинган бирламчи ногиронлар контингенти) ва умумий тўпланган ногиронлар (аҳоли орасида ногиронларнинг умумий контингенти) қўрсаткичлари киради.

Жисмоний ривожланиш қўрсаткичлари - бўйи узунлиги; вазн; кўкрак қафаси диаметри; бош айланаси; мушаклар кучи.

Демография – (юнонча демос – аҳоли, графия – ўрганаман) аҳоли ва унинг ривожланиши ҳақидаги фан.

Демографик статистика аҳолининг сони, таркиби, туғилиши, ўлими, қўпайиши, ҳаракати ҳақидаги асосий қонуниятларни ўрганади. Демографик

маълумотлар аҳолининг тиббий ёрдамга бўлган эҳтиёжини қондириш учун, уни режалаштиришда катта аҳамиятга эга (муқим шифохонадаги ўринлар сони, поликлиникадаги лавозимлар, штатлар, ясли, санаториялардаги ўринлар сони, врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг, дорихоналарнинг сони ва бошқалар). Аҳоли, соғлиқни сақлаш муассасалар учун бевосита соғломлаштириш ишлари олиб бориладиган обект ҳисобланади. Аҳолини ўрганиш икки йўналишда олиб борилади:

1. Аҳолини статикаси, бошқача қилиб айтганда аҳолининг маълум бир вақтда олинган сони, таркиби (жинси, ёши, касби, машғулоти, оиласвий аҳволи, миллати, тили, маълумоти), туар жойи, географик жойланиши, зичлиги ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.
2. Аҳоли динамикаси (ҳаракати) - аҳоли сонининг ўзгариши. У ўз навбатида икки хил бўлади:
  - а) механик ҳаракат;
  - б) табиий ҳаракат (туғилиш ва ўлим натижасида).

*Аҳоли динамикаси (ҳаракати).* Аҳолининг ичида табиий ва механик (миграция жараёнлари) ҳаракат фарқланади. Аҳолининг табиий ҳаракати деганда, асосий демографик жараён туғилиш ва ўлимнинг натижасида маълум бир территорияда аҳоли сонининг ўзгариши тушунилади. Миграция деганда эса аҳолининг бир давлат ичида ёки бир давлатдан иккинчи давлатга механик равишдаги ҳаракати тушунилади. Миграциянинг ҳар хил формалари бўлиб биринчи навбатда ташқи миграция – давлатлароро ва ички миграция – бир давлатнинг ичидаги ҳаракат тушунилади. Ички миграция ҳам икки хил бўлади. Масалан: доимий яшаш жойини ўзгартириш натижасидаги ҳаракат ва мавсумий миграция – аҳолининг маълум бир вақтдаги (мавсумдаги) ҳаракати ва бошқалар. Миграция жараёнлари катта ижтимоий-гигиэник ва эпидемиологик аҳамиятга эга:

- а) аҳолининг механик ҳаракати маълум бир территорияда аҳолининг сон жиҳатдан кўпайишига, бошқа бир территорияда эса камайишига, аҳолининг ёши, жинси, касби бўйича таркибини ўзгаришига олиб келади. Бу эса ўз навбатида соғлиқни сақлашмуассасаларининг фаолиятиникўриб чиқишини

талаб этади;

б) аҳолининг механик ҳаракати, айниқса давлатларо миграцияси натижасида у ёки бу давлатда Юқумли касалликларни келиб чиқишига олиб келади.

Аҳолининг табиий ҳаракати. Аҳоли – одамлардан ташкил топган, демографик ҳодисалар эса аҳолида одамларга тегишли бўлган белгилардан ташкил топган. Демак, жамият орасида учрайдиган бошқа ҳодисалар каби, кузатилаётган воқеалар сони аҳолининг умумий сонига боғлиқ. Шунинг учун ҳам, кузатилаётган ҳодисанингкатталиги, интенсивлиги ҳақидасўз юритар эканмиз, унинг мутлоқ сонлардагикатталигини билиш этарли эмас. Аҳоли орасида бўлаётган жараёнлар ҳақида аниқроқ маълумотлар олиш учун Шу ҳодисаларнинг улар келиб чиқсан мухитга, яъни аҳоли сонига таққослашимиз керак. Бу эса демографик кўрсаткичлар деган қийматлардан фойдаланишни талаб этади. Аҳоли сони эса-йилнинг охирига ёки бошига олинган бўлади. Шунинг учун ҳам демографик кўрсаткичларни таққослаш имкониятига эга бўлиш учун биринчи навбатда ўртacha аҳоли сонини келтириб чиқариш керак. Кўпинча аҳолининг ўртacha сони сифатида унинг-йил бошидаги (1январ) ва-йил охиридаги (31 декабр) сонининг йифиндисини ярми олинади. Аҳолининг-йиллик ўртacha сони аниқлангандан сўнг туман, вилоят, шаҳар, республика бўйича аҳолининг табиий ҳаракатини ташкил этувчи асосий тиббий – демографик кўрсаткичлар ҳисобланади.

Аҳоли ёш-жинс таркиби аҳолининг саломатлик даражаси ва қўпайишини белгилайди. Аҳолининг кўпайиши 14 ёшгача бўлган болаларнинг ва 50 ундан катта ёшдагилар орасидаги нисбат орқали ифодаланади.

14 ёшдаги болаларни 50 ва ундан катта ёшдагиларга нисбатан қўплиги аҳоли сонининг кўпайишидан дарак беради (регрессив).

14 ёшдаги болаларни 50 ва ундан катта ёшдагиларга нисбатан камлиги аҳоли сонининг камайишидан далолат беради (прогрессив).

14 ёшдаги болаларни 50 ва ундан катта ёшдагилар нисбатини teng бўлиши аҳоли сонининг ўзгармаётганлигидан далолат беради (стационар).

Аҳоли орасидаги демографик ўзгаришларни баҳолаш учун бола туғиши

даврига тегишли гурухни (15 – 49 ёш) алоҳида ажратиб, ўрганиш катта аҳамиятга эга. Кўпинча 15 – 49 ёшли аҳоли, аҳолини умумий сонини 50%изини ташкил этади. Ана шунга асосланган ҳолда аҳолининг ёш бўйича 3 турли таркиби фарқланади (жадвал 5.1.)

Аҳоли статикаси ҳақидаги маълумотларни олиш учун асосий манба бўлиб давлат томонидан даврий равишда ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш ҳисобланади. Аҳолини рўйхатга олиш – бу аҳоли сони, унинг таркиби ва жойлашишини аниқлашдир.

Аҳоли рўйхати лаҳзалик принципига асосланган бўлиб, у аниқ бир кун ва соатда, аҳоли энг кам ҳаракат қиласидиган пайти, қиши фаслининг декабр ёки январида ўтказилади ва у барча аҳолини рўйхатдан ўтказишга асосланган. Аҳолини рўйхатдан ўтказиш барча территория бўйича бир хил дастур ва режа асосида бевосита сўров усуллари орқали амалга оширилади. Аҳолини рўйхатдан ўтказиш жуда катта меҳнат, куч, маблағни талаб қилганлиги учун ҳам одатда 10 йилда бир марта ўтказилади.

Ўзбекистон Республика аҳолиси охирги 1989 йил 12 январда ёппасига ўтказилган аҳоли рўйхатига мувофиқ 19 миллион 905 минг кишини ташкил этди. 2015 йилда Ўзбекистон аҳолисининг сони 31575,3 млнни ташкил этди. Шундан қишлоқ аҳолиси 49,4% ва шаҳар аҳолиси 50,6% ташкил этди. Дунё бўйича Ўзбекистон аҳоли сонига кўра 42 ўрини, марказий осиё республикалари ичида Ўзбекистон аҳоли сони ва зичлиги жиҳатидан биринчи ўринни эгаллайди.

Аҳолининг табиий ҳаракати кўрсаткичлари. Демографик жараёнларни ўрганишда аҳолининг табиий ҳаракати умумий ва маҳсус демографик кўрсаткичлар асосида таҳлил қилинади.

Демографик жараёнларни таҳлил қилишда бир неча усуллардан фойдаланилади:

- 1.умумий демографик кўрсаткичларни ҳисоблаш ва баҳолаш;
- 2.турли аҳоли гурухлари орасида маҳсус кўрсаткичларни ҳисоблаш ва баҳолаш;
- 3.стандартлаштирилган кўрсаткичларни ҳисоблаш ва баҳолаш;

4.ўлим ва яшаш жадвалларини тузиш.

Демографик кўрсаткичлардан қуидаги ҳолларда фойдаланилади:

1. аҳоли саломатлигини баҳолаш учун (туғилиш, ўлим, ўртача умр давомийлигини ҳисоблашда);
2. аҳолининг таркибига таъсир кўрсатувчи туғилиш кўрсаткичини баҳолашда;
3. аҳоли сони ва таркиби асосида тиббий кадрларни режалаштириш ва жойлаштириш;
4. тиббий-ижтимоий тадбирларни самарасини баҳолаш, режалаштириш ва прогнозлашда.

Аҳолининг сонини ва таркибини билмасдан туриб, аҳоли саломатлиги ва тиббиёт муассасаларининг фаолиятини чуқур таҳлил қилиш, улар ишини режалаштириш мумкин эмас.

Демографик кўрсаткичларни асосан 1000 аҳолига нисбатан ҳисбланиб қуидагиларга бўлинади: умумий ва маҳсус.

### **Умумий демографик кўрсаткичлар:**

1. Туғилиш кўрсаткичлари – худуддаги 1000 аҳолига тўғри келадиган туғилишлар сонини кўрсатади ва қуидагича ҳисбланади;
2. Ўлим кўрсаткичи – худуддаги 1000 та аҳолига тўғри келадиган ўлимлар сонини кўрсатади ва қуидагича ҳисбланади;
3. Табиий ўсиш кўрсаткичи – 1000 та аҳолига тўғри келадиган кўпайган аҳоли сонини кўрсатади;
4. Ҳаёт индекси – туғилганларнинг мутлоқ сонини ўлганларнинг мутлоқ сонига бўлган нисбатини кўрсатади. Ундан ўлим жадвалларини тузиш, умр давомийлигини прогнозлаштирища фойдаланилади.

Аҳолининг саломатлик даражасига баҳо берувчи кўрсаткичлардан яна бириси бу **касалланиш** ҳисбланади.

Касалланиш деганда - аҳоли орасида ёки унинг айрим гуруҳлари ичida тарқалган касалликлар тушунилади. Айрим жойларда ва маълум вақт оралиғида касалланишларни ўрганиш соғлиқни сақлаш муассасалари учун катта аҳамиятга эга. Касалланиш кўрсаткичи аҳоли ўртасида,

барча касалликларни биргаликда ва ҳар бир нозологик шакл бўйича алоҳида аҳолининг ёши, жинси, ижтимоий келиб чиқиши, мутахассислик ва бошқа гуруҳлари бўйича тарқалиш даражасини кўрсатади. Касаллик кўп ҳолларда беморлар тиббий ёрдам олиш учун мурожаат этганларида рўйхатга олинади. Шу сабабли касалланиш тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқлиги, асосан тиббий ёрдам ҳажми, характеристи, сифати, ихтисослиги ва кўрсатилиши беморларнинг мурожаат қилиш имкониятига боғлиқдир. Аҳолининг касалланиш кўрсаткичининг аниқлиги, тўлиқлиги, сифати асосан врач ва унинг ёрдамчиси ҳамширага боғлиқ, чунки у ўзининг мутахассислик фаолиятида касалликни аниқлайди, ҳалқаро таснифига кўра ташҳис қўяди ва рўйхатга олади.

Беморни даволаётган ва касалликни рўйхатга олган врач касалликни белгилашда, унга тўғри ташҳис қўйишида классификациядан фойдаланади. Касалланишларни ўрганаётган тиббиёт ходимлари ҳозирги пайтда ишлатилаётган касалликлар классификациясидан фойдаланиб, статистик материалларни тўғри гуруҳлай билиши керак. 1900 йил 21 авгусда Парижда 26 мамлакатдан келган делегатлар иштирокида касалликлар ва ўлим сабаблари классификациясини кўриб чиқиши учун биринчи марта ҳалқаро конференция бўлиб ўтган ва у биринчи классификацияни тасдикланган. Конференция карори билан ҳар 10 йилда классификация қайтадан кўриб чиқиладиган бўлди. Ҳозирги пайтда жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотини санитар статистика соҳасидаги эксперtlари бундай классификация қайтадан кўриш билан бевосита шуғулланадилар. Касаллик ва ўлим сабабларини ҳалқаро классификацияси ва номенкулатураси ўтган даврлар мобайнида 10 марта кўриб чиқилади.

1989 йилда 10 – чи ҲҚТ қайта кўриб чиқилган 1993 йили Жаҳон соғлиқни сақлаш Ассамблеяси сессиясида қабул қилинди. Ушбу “Халқаро касалликлар таснифи ва соғлиқ билан боғлиқ муаммолар” ҳафақат ундан фойдаланувчиларнинг диагностик

маълумотларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун балки инсон саломатлигини характерловчи бошқа маълумотларни ҳам ўз ичига қамраб олган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазири буйруғи (22 январ 2003 йил 31 сонли) га кўра ҲҚТ – 10 ни бизнинг Республикада амалга киритиш бўйича тартиб ва чора тадбирлар белгиланган. Ушбу буйруқнинг жорий этилиши касалликлар ва ўлим сабабларини барча бошқа мамлакатлар билан қиёслаш имконини берадиган номенклатурага ўтиш имконини беради.

Бу эса, ўз навбатида статистик маълумотлар сифатини яхшилаш, соғлиқни сақлашни бошқариш ва тиббий илми ривожини интеграциялаш имконини яратади. Унинг ўзбек тилидаги нашри 2004 йили биринчи бор чоп этилди. ҲҚТ–10 да барча бир турдаги патологик ҳолатлар олинган маълумотларни таҳлил этиш учун гурухларга ажратилган. ҲҚТ–10 да барча касалликлар, синфларга бўлинган, синфлар ўз навбатида – блокларга, блоклар уч белгили рукнларга, уч белгили рукнлар тўрт белгили кенжа рукнларга бўлишган. 10-қайта кўрилган ""Касалликлар, шикастланишлар ва ўлим сабабларини халқаро классификацияси" 21-та синфдан иборат.

ҲҚТ–10 аҳоли саломатлигини ўрганиш методологиясини янада такомиллаштиришга йўналтирилган муҳим ҳужжат бўлди.

Маълумки, касалланиш аҳолининг саломатлик даражасига баҳо берувчи кўрсаткичлардан бири ҳисобланади ва уни ўрганиш соғлиқни сақлаш муассасалари учун катта аҳамиятга эга.

Биринчидан касалланишлар аҳоли саломатлигини, унинг санитария ҳолатини кўрсатувчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Иккинчидан касалланишлар соғлиқни сақлаш муассасаларининг иш фаолиятини сифатини ва самарасини кўрсатувчи асосий мезон ҳисобланади. Учинчидан касалланишларни ўрганиш ва уни камайтириш соғлиқни сақлаш, санитария-эпидемиология, даволаш-профилактика муассасаларининг ва барча шифокор, ҳамшираларнинг бош вазифаларидан бири ҳисобланади.

Тўртинчидан касалликларнинг динамикасини ўрганиш натижасида аҳоли орасидаги патологик жараёнларнинг ўзгариши ҳақида чуқур маълумотларга эга бўламиз. Бунинг асосида аҳолининг тиббий санитария ёрдамга бўлган эҳтиёжини аниқлаб уни ташкил этишга, янада яхшилаш бўйича тиббий чора-тадбирларни режалаштиришда катта аҳамиятга эга.

Касалланишни ўрганишда турли усул ва статистик ҳужжатлардан фойдаланилади. Ҳар бир қулланиладиган усул касалланиш тўғрисида маълум бир маълумотларни беради. Аҳолининг тўлиқ касалланиш даражасини ўрганиш учун барча усуллардан фойдаланиш мумкин.

Аҳоли орасида касалланишларни ўрганишнинг бошланғич ва асосий манбаларидан бири bemорларни даволаш-профилактика муассасала-рига тиббий ёрдам олиш мақсадидаги мурожаати ҳисобланади. Умумий касалланишлар ҳақидаги маълумот барча касалланишларни жорий рўйхатга олишга асосланган. Ҳар бир касаллик бўйича жорий йилдаги бирламчи мурожатлар кузатув бирлиги сифатида қабул қилинади. Сурункали касаллик бўйича bemор йил мобайнида даволаш-профилактика муассасаларига бир неча марта мурожаат қилишидан қат’ий назар, у кузатув бирлиги қилиб bemорнинг биринчи мурожаатида ҳисобга олинади.

Аҳолининг касалланиш даражасини ўрганиш ва таснифлашда учта тушунчадан фойдаланилади:

- 1.касалланишнинг ўзи (бирламчи касалланиш)
- 2.касалликларни тарқалиш даражаси (умумий касалланиш)
- 3.патологик заарланиш (тиббий кўрикдан ўтганлар орасидаги касалланиши аниқланиш).

Бирламчи касалланиш – бу 1000 аҳолига тўғри келадиган янги касалликлар сонидир.

Янги аниқланган касалликлар – бу йил давомида неча марта келиб чиқишидан қаътий назар ўткир касалликлар ва ҳаётида биринчи бор аниқланган сурункали касалликлардир.

Умумий касалланиш – аҳоли касалланишини ўрганишнинг бир тури бўлиб. Амбулатория-поликлиника муассасаларига қилинган барча мурожаатлар

асосида ўрганилади. Умумий касалланишни ўрганишда кузатув бирлиги бўлиб, жорий календар йилида амбулатория-поликлиника муассасаларига касаллик бўйича мурожаат этган ёки уйга шифокор чақирган шахс хисобланади.

Бунда сурункали касалликлар юрак қон-томир, ошқозон ичак ва бошқа узок кечувчи касалликлар йилда бир марта беморнинг биринчи мурожаатида хисобга олинади. Жорий йилда сурункали касаллик билан қайта мурожаат этганда, бу касаллик руйхатга олинмайди.

Умумий касалланиш – 1000 та аҳолига тўғри келадиган жорий йилда аниқланган барча касалликларни кўрсатади ва қуидагида хисобланади:  
Юқорида кўрсатилган икки тушунча орасида каттагина фарқ бор.

Касалланишнинг ўзи – бу муҳит шароитларининг ўзгаришига тез таъсир қилувчи кўрсаткич бўлиб, бу кўрсаткични бир неча йил давомида таҳлил қилганда касалликнинг келиб чиқиши ва динамикаси тўғрисида тушунчага эга бўламиз. Шу билан биргаликда ижтимоий-гигиеник ва даволаш-профилактик тадбирларини самарасини аниқлашимиз мумкин.

Касалланишлар ҳақидаги маълумот барча касалланишларни жорий рўйхатга олишга асосланган. Ҳар бир касаллик бўйича жорий йилдаги бирламчи мурожатлар кузатув бирлиги сифатида қабул қилинади ва ҳар бир мурожаат этган bemorга «Якуний диагнозларнинг статистик талони» (Ш-025-2/х) тўлидирилади. Ўткир касалликлар йилда неча марта аниқланишидан қаътий назар bemорларнинг ҳар бир мурожаатида рўйхатга олинади. Шу сабабли йил давомида бир одамда бир неча ўткир касалликлар рўйхатга олиниши мумкин. Бунда барча янги касалликлар (+) белгиси билан, сурункали касалликлар эса (-) белгиси билан белгиланади. Сурункали касалликлар йилда бир марта, яни ДПМга ушбу касаллик бўйича биринчи марта мурожат қилганда.

Юқумли касалликлар билан касалланиш – юқумли касалликлар аҳоли учун хавф туғдиради, чунки юқумли касалликларни ўз вақтида олди олинмаса улар тез тарқалиб эпидемияга айланиб кетиши мумкин шу муносабат билан уларни назорат қилиш учун ҳар бир юқумли касалликни ўз вақтида қайд этиб туман, шахар давлат санитария-эпидемиологик назорат марказларига

шошилинч хабар бериш зарур. Юқумли касалліклар аниқланғанда ёки улар тұғрисида гүйек қилинғанда шошилинч хабар бериш мажбурий қисобланади.

Барча хабар берилиши лозим бўлган юқумли касаллікларни қуидаги гурӯҳларга бўлиш мумкин:

1. Карантин касалліклар (ўлат, вабо, қора чечак, сариқ иситма, қайталама тиф).
2. Давлат санитария - эпидемиология назорати марказлари билан бир вақтнинг ўзида маҳсус ихтиослашган даволаш профилактика муассасаларида - ахборот тўпланадиган касалліклар ( сил, захм, сўзак, трахома, замбуруғли касалліклар, мохов).
3. Даволаш профилактика муассасалари давлат санитария-эпидемиология назорати марказларига фақат йиғма равишда ахборот берадиган касалліклар (грипп, юкори нафас юли инфекциялари).
4. Ҳар бир касаллик ва касал ҳақида маҳсус ахборот бериладиган касалліклар (ошқозон тифи, паратиф, салмонеллёз, ичбуруғ, энтеритлар қизамиқ, кўкютал, менингит, энсефалит, инфекцион гепатит, скарлатина, қоқшол, полиомелит, кутуриш, риккетсиозлар, тошмали тиф, безгак, лептоспироз, 1-ойлик болалардаги сепсис, сувчечак, қизилча, геморрагик иситма, эпидемик паротит, орнитоз ва бошкалар).

Юқоридаги касалліклар гурӯҳлари бўйича мавжуд қонунга асосан юқумли касаллікни биринчи бўлиб аниқланған ёки гүйек қилған ҳар бир врач, ўрта тиббиёт ходими давлат санитария-эпидемиология назорати марказларига шошилинч хабар юбориши зарур (058-у шаклга мувофиқ). Бундай хабар шахар, туман ДСЕОМларига даволаш-профилактика муассасаларининг ходимлари томонидан берилади. ДСЕОМ ходимлари шошилинч хабарни маҳсус “Юқумли касаллікларни ҳаракати” дафтарига қайд этади ва ўзидан юқориги ДСЕОМларга 85 – форма “Юқумли касалліклар ҳаракати ҳакида ҳисобот” орқали ойлик ҳисобот юборадилар.

Даволаш-профилактика муассасалари 85-грипп шакл орқали санитария-эпидемиология станцияларига грипп ва юқори нафас юллари инфекциялари

ҳақида ҳисбот беради. Юқумли касалликларни таҳлил қилишда юқоридаги ҳисбот формалари билан бир қатор юқумли касалликларнинг ўчоғида текширув олиб бориш натижасида эпидемиолог томонидан тўлдирилган “Юқумли касаллик ўчоғини эпидемиологик текширув” (ш.357-х) картасидан ҳам фойдаланилади. Натижада ҳар бир туман ва шаҳар санитария-эпидемиология станциялари томонидан юқумлик касалликлар ҳақида ҳафталиқ, 10 кунлик, ойлик, квартал, ярим йиллик ва йиллик кўрсаткичлар ҳисобланиб таҳлил қилинади.

Аниқланган инфектсион касаллик, қандай шароит бўлишидан қаътий назар, озиқ овқатдан заҳарланиш, ўткир касбий касаллик ёки унга шубха туғдирувчи холларда, шунингдек диагнози ўзгартирилганда тиббиёт ходими томонидан тўлдирилади, худудий ДСЕНМГа bemor аниқланган вақтидан бошлаб, 12 соат ичидаги юборилади.

Муҳим ноинфектсион касалликлар. Ноинфектсион касалликларга ҳозирги вақтда бутун дунйода катта эътибор берилмоқда. Чунки, ушбу касалликлар ўтиш жихатдан оғир, атрофдаги одамлар ва келажак авлод учун хавф-хатар туғдириши жихатдан муҳим аҳамиятга эгадир ва алоҳида ҳисобга олиб борилади. Бундай касалликлар жумласига сил, юқумли таносил касалликлар, замбуруғли касалликлар, трахома ва хавфли ўсмалар киради. Ҳар қандай даволаш-профилактика муассасининг врачлари шундай касалликларни аниқлаганда маҳсус ихтисослаштирилган диспансерларга тегишли ҳужжатни тўлдириш орқали ахборот беради (ш. 089-, ш.090-х). Жойлардаги диспансерларга ташхисни аниқлангандан сўнг уларни рўйхатга олади ва bemorni кузатиб боради. Диспансерларда касаллик тасдиқлангандан сўнг bemor ҳақидаги хабар тегишли вилоят диспансерларига юборилади ва у эрда айrim касалликлар бўйича 6 ойда, бошқа бир касалликлар бўйича 1 йилда 1 марта 61 а, б, ж формалари бўйича ҳисбот тайёрланади.

Ана шу ҳисбот формаларида маълумотларга асосан вилоят бўйича касалланиш кўрсаткичлари ҳар 100.000 аҳолига ҳисобланади.

Вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиш билан кечадиган касалланишлар – фақат ишловчи аҳоли орасида ўрганилади. Уларнинг

алоҳида гурухга ажралишининг сабаби улар нафақат аҳоли саломатлигига таъсир этади, балки иқтисодий томондан ҳам зарап келтирадилар.

Бу касаллик турига ишловчилар томонидан ишга чиқмаслигига сабаб бўлган барча касалликлар киради. Вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ бўлган касалликни ўрганишда жорий-йилда ишловчи томонидан вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотишга олиб келган ҳар бир ҳодиса ҳисобга олинади. Бу касаллик гурухини ўрганишда вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотишга олиб келган ҳар бир ҳодиса ҳисобга олинади. Бу касалликлар гурухини ўрганишда вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиш варақаси манба бўлиб хизмат қиласди. У юридик хужжат бўлиб, нафақат меҳнатдан озод қиласдиган, балки молиявий ҳамда статистик хужжат бўлиб ҳам ҳисобланади, чунки меҳнат қобилияти йўқотилганда ижтиомий сугурта маблағлари ҳисобидан нафака тўланади.

Ҳар бир корхона ва муассасада касаба уюшмалари ва тиббий санитария қисмлари вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиш бўйича чоракли ҳисботлар 16-МЯ ва йиллик ҳисбот 21-Т шаклларини тўлдира дилар. Ушбу ҳисбот шакллари асосида вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиш бўйича қатор кўрсаткичлар ҳисобланади ва таҳлил қилинади. Меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотишга олиб борадиган касалликлар тўғрисида учта асосий кўрсаткичга қараб фикр юритилади:

1. Ишчиларнинг 100-тасига тўғри келадиган меҳнатга яроқсизлик ҳолларининг сони
2. Ишчиларнинг 100-тасига тўғри келадиган меҳнатга яроқсизлик кунларнинг сони
3. Битта меҳнатга яроқсизлик ҳолининг ўртача муддати

Беморлар контингенти бўйича касалланишни ўрганишда қўлланиладиган асосий кўрсаткичлар қуидагилардир:

1. Саломатл икинндекси - мазкур колективда йил бўйи касал бўлмаган ишчиларнинг улуши:
2. Бемор шахслар кўрсаткичи

Ҳозирги пайтда касалхонадаги касалланишларни рўйхатга олиш ва ўрганиш яхши йўлга қўйилган. Ҳар бир шифохонага ётқизилиш ҳоли кузатув бирлиги ҳисобланади. Беморга касалхонадан чиққанларнинг статистик картаси (ш.066-х) тўлдирилади. Муқим шифохонада ётган касалланишлар кўрсаткичи туман, шахар, вилоят республика буйича ҳар 1000 аҳолига ҳисобланади. Бундан ташқари, муқим шифохоналардан олинган маълумотларга асосланиб қўйидаги қўшимча кўрсаткичларни аниқлашимиз мумкин:

1. Ташхис кўплиги, уларнинг катталиги, характеристи, асосий касалликлар, қўшимча касалликлар, уларнинг асорати.
2. Врач қўйган ташхиснинг сифати, уларни поликлиника ташхислари ва ўлим ҳоллари юз берганда паталогоанатомик ташхислар билан мос келиши.
3. Ҳар хил касалликлар бўйича bemorlarни муқим шифохоналарда даволаниш муддати.
4. Маълум касаликлар бўйича ўз вақтида касалхонага ётқизилганлиги ва уларнинг катталиги.
5. Муқим шифохонада ётган bemorlarнинг ёш, жинс, касб, клиник бўлимлар бўйича структураси.
6. Ҳар-хил даволаш усулларининг самарадорлиги ( жаррохлик, терапевтик, медикаментоз, физиотерапевтик даволашлар).
7. Касалхонада даволанишларнинг оқибати - соғайиш, қисман соғайиш, ёмонлашиш, ўлим ҳолатлари.
8. Бир йил давомида маълум бир касаллик билан такрор ётқизишлар сони.

### **Тиббий кўрик маълумотлари**

Умумий касалланишларни ўрганишнинг асосий манбаъларидан бири, аҳоли орасида ўтказиладиган профилактик ва мақсадли тиббий кўриклар ҳамда диспансер кузатувлариридир. Бу усул орқали яширин кечувчи, олдиндан маълум бўлмаган ёки аҳолини фаол равишда тиббий ёрдам олиш учун мурожаат этишга мажбур қилмаган сурункали касалликлар аниқланади.

Тиббий кўриклар олдига қўйилган мақсад, вазифа ва қўлланилаётган ташкилий технология турига қараб олдиндан, даврий ва мақсадли бўлиши мумкин. Кўрик маълумотлари, аҳолининг мурожаати натижасида олинган

маълумотлар билан қўшилиб касаллик ҳақида материалларни янада тўлдиради, уларга бирмунча аниқликлар киритади ва аҳолининг умумий касалланишларини янада тўлароқ ёритишга ёрдам беради.

Аҳоли орасида тиббий кўрик ўтказиш натижасида аниқланган касалликлар ҳақида ахборотлар олишни “патологик заарланиш” ёки “тиббий кўрикда аниқланган кўшимча касалланишлар” деб номланади.

Патологик заарланиш аҳоли ёки унинг айрим гурухлари орасида тиббий кўриклар натижасида аниқланган касалликларни тарқалиш даражасини кўрсатиб беради. Бунда тиббий кўриклар натижасида фақатгина касалликнинг ўзи эмас, балки кейинчалик касалликларга олиб келадиган преморбид, морфологик ва функцисионал ўзгаришларни ҳам ҳисобга олади. Бу кўрсаткич 1000 та текширилганларга нисбатан қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

Ўлим сабаблари асосида касалланишни ўрганиш.

Мазкур турдаги касалланишни ўрганиш манбалари қуйидаги хужжатлардир: марказий туман ва оиласий поликлиникалар, ҚВП, стационарлар шифокорлари, суд экспертиза патологоанатомлари томонидан бериладиган «Ўлим ҳақидаги шифокор гувоҳномаси» 106/ҳ-шакл, «Перинатал ўлим ҳақидаги шифокор гувоҳномаси» 106-4/ҳ –сон шакл.

**Ногиронлик** - бу меҳнат қобилиятини доимий (узоқ муддат) йўқотганлик ёки кўп жиҳатдан қисқарганлиkdir.

Ногиронлик врачлик - меҳнат эксперт комиссиялари томонидан белгиланади. Даволаш-профилактика муассасалари ногиронлик сабабларини ўрганадилар. Врачлик меҳнат экспертиза комиссиялари соғлиқни сақлаш, ижтимоий сугўрта ва ижтимоий - таъминот муассасаларининг фаолиятини ўзида мужассам қилган ташкилотdir. Улар касб талабларига биноан ишчиларни меҳнатга лаёқатлигини аниқлайдилар ва И,ИИ,ИИИ - гуруҳ ногиронликларини белгилайдилар. ВМЕК ўз фаолиятида қуйидаги хужжатлар билан ишлайди: «ВМЕКга ёлланма», «ВМЕК гувоҳлик акти», «ВМЕК кенгаши ҳақидаги протоколлар китоби», «ВМЕК гувоҳлик актига статистик талон», ВМЕК-йилига бир марта 7 форма бўйича ҳисобот тузади.

**Жисмоний ривожланиш** кўрсаткичларини аниқлаш комплекс усулда олиб борилади. Жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари аҳолининг санитария ҳолатини ифодаловчи маълумотлардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари болалар ва ўсмирларнинг саломатлик даражасини, шунингдек, ўсиш ва ривожланиш даврида ташқи муҳит шароитининг ижобий ёки салбий таъсирини ҳам белгилайди. Кўп ҳолатда болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланишини ўрганилади. Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланишини аниқлаш, албатта, тиббий кўриқдан ўтказиш билан бир қаторда олиб бориш керак.

Ҳар бир боланинг жисмоний ривожланишини мумтазам ва якка тартибда кузатиш учун ўсиши ва ривожланиши тўғрисида аниқ маълумот беради. Шахсий жисмоний ривожланишини аниқлашдан ташқари, болаларнинг жисмоний ривожланишини болаларда ўтказиладиган ёппасига кузатиш усули қисқа муддат ичида бир минтақада соғлом болаларда аниқланади. Олинган маълумотлар ҳар бир боланинг ёшига, жинсига ҳамда миллатига қараб статистика усули билан ўртacha кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилади.

Жисмоний ривожланишни аниқлашда антропометрик усулдан фойдаланилади. Антропометрик усулни қўллаш ёки текшириш дастурини тузиш боланинг ёшига боғлиқ. Умуман тиббиётда қатор антропометрик усулдан фақат бир нечтасигина қабул қилинган.

Соматометрик кўрсаткичлари бу бўйнинг (ўтирган ва турган ҳолида узунлиги, вазни, кўкрак қафасининг кенглиги, физиологометрик функционал кўрсаткичлардан ўпканинг сигими, қўл ва бел мушакларининг кучи ва х.к.). Соматоскопия кўрсаткичларига яна қадди-қоматнинг тузилишини (умуртқа поғонасининг шакли, кўкрак қафаси, оёқ мушаклари ривожланиши, тери остидаги ёғ қатламининг миқдори ва х.к.), жинсий ривожланиш аломатлари киради. Ўтказиладиган антропометрик текширувлар болаларнинг ёшига қараб ҳар хил тузилиши мумкин.

Антропометрик текширувларни куннинг биринчи ярмида, тўғри асбоблар билан ёруғ хоналарда, қулай микроиқлим шароитида, болани ялангоч қилган ҳолда ўтказиш керак.

Болалар ва ўсмиirlар болалик даврининг турли босқичларига қараб қуидаги муддатларда тиббий кўрикдан ўтказилади ва жисмоний ривожланишнинг антрометрик усулида текширилади.

1. Чақалоқлар бар ойда бир марта.
2. Илк болалик даврида ҳар уч ойда бир марта.
3. Мактабгача ёшда ҳар 3—6 ойда.
4. Мактаб ёши даврида бир йилда бир марта.

### **Назорат саволлари:**

1. Саломатлик тушунчасига таъриф беринг.
2. Демографик кўрсаткичларга нима киради?
3. Касалланиш кўрсаткичларга нима киради?

### **ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Маматкулов Б. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш. Т. 2019.
2. Маматкулов Б. Соғлиқни сақлаш менежменти ва иқтисодиёти. Т., 2015.
3. Маматкулов Б., Рустамова Х.Е. Жамоада хамширалик иши. Т. 2016.

Интернет сайtlар: [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz), [www.sestra.ru](http://www.sestra.ru), [tma.uz](http://tma.uz)

### **З-мавзу: Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини муҳофазалаш тизими.**

1. Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини муҳофазалашга қаратилган меёрий-хуқуқий хужжатлар
2. Фуқароларнинг соғлигини сақлашга доир ҳуқуқлари ва мажбуриятлари
3. Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг фуқароларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш соҳасидаги фаолияти.

**Калит сўзлар:** аҳоли саломатлиги. муҳофазалаш, меёрий-хуқуқий хужжатлар, қонун

Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини муҳофазалаш йиллар давомида шаклланган кучли соғлиқни сақлаш тизими орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисидаги қонунида фуқароларнинг соғлигини сақлашга доир ҳуқуқлари давлат

томонидан кафолатланишини таъминлаш; фуқароларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш; давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш белгилаб берилган.

Давлат ва соғлиқни сақлашнининг бошқа тизимларини “Жамоат соғлигини сақлаш” деган умумий тушунча бирлаштиради. Жамоат соғлигини сақлаш – бу аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, касалланиш ва шикастланишларни профилактикаси, меҳнат фаолияти ва Ўртacha умрни узайтиришга қаратилган, давлат, жамият, тиббий ва нотиббий ташкилотлар орқали амалга ошириладиган илмий ва амалий чора – тадбирлар йифиндисидир.

Давлат соғлиқни сақлаш тизими, қонуний асослари: Давлат соғлиқни сақлаш тизимига Ўзбекистон республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қоракалпагистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлашни бошқариш органлари, уларни шаҳар ва туман бўлинмалари киради. Давлат соғлиқни сақлаш тизимига давлат мулки бўлган ва давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқарув ораганларига бўйсунувчи даволаш-профилактика ва илмий-тадқиқот муассасалари, клиникалари, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари тайёрлайдиган ҳамда, уларни қайта тайёргарликдан ўтказадиган ўқув юртлари, фармацевтика корхоналари ва ташкилотлари, санитария-профилактика муассасалари, суд-тиббиёт экспертиза муассасалари, тиббий дори-дармонлар ва тиббиёт техникаси ишлаб чиқарадиган корхоналар, асосий фаолияти фуқаролар соғлигини сақлаш билан боғлиқ бошқа корхона, муассаса ва ташкилотлар киради.

Илмий-тадқиқот институтларининг клиникалари, вазирликлар, идоралар, давлат корхоналари, муассаса ва ташкилотлари барпо этадиган даволаш-профилактика ва дорихона муассасалари давлат соғлиқни сақлаш тизимига киради.

Давлат бюджети ҳисобидан таъминланадиган давлат соғлиқни сақлаш

тизимининг даволаш-профилактика муассасалари аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатади.

Соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимлари жумласига хусусий табобат амалиёти ёки хусусий фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар, хусусий корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари томонидан, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан маблағ билан таъминланадиган даволаш-профилактика, дорихона муасссалар ҳамда, табобат ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар киради.

Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини сақлаш ва янада мустаҳкамлаш давлатнинг муҳим тиббий – ижтимоий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу масала Ўзбекистон Республикасининг конституцияси ва давлатнинг бошқа қонунчилик ҳужжатларида ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида аҳоли саломатлигини сақлаш, соғлиқни сақлашни ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, табиатни муҳофаза қилиш бўйича алоҳида моддалар ўрин олган. Жумладан, "Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва бурчлари" номли иккинчи бўлимнинг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар, деб белгилаб қўйилган. Конституциянинг 39-моддасида эса "Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга" эканликлари, 40-моддада "Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга"лиги, 65-моддада – "Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади", деб белгилаб қўйилган. Аҳоли саломатлигини сақлашнинг барча қирралари 1996 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ти қонунида тўлиғича ўз аксини топган.

Ушбу қонунни яратилишида жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидағи соғлиқни сақлашга доир қонунлар, улардаги соғлиқни сақлаш тизимини ривожланиши, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг юналишини эътиборга олинган, Бирлашган миллатлар ташкилотининг «Инсон ҳуқуқлари декларацияси», Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги ҳалқаро шартномалари ва қонун ҳужжатларига амал қилинган ҳолда тузилган.

Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун катта сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган юридик ҳужжат ҳисобланади. У Ўзбекистонда хозирги даврдаги соғлиқни сақлаш ҳолатини акс эттирган ҳолда, келгусида фуқаролар соғлиғини сақлаш, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, ислоҳ қилишнинг меъёрий ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қиласди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштиришлари, республика вазирликлари ва идоралари мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишлари лозим.

Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- фуқароларнинг соғлиғини сақлашга доир ҳуқуқларини давлат томонидан кафолатланишини таъминлаш;
- фуқароларнинг соғлом турмуш тарзини шаклантириш;
- давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш.

Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонун ВИ-боб, 47-та моддадан иборат. Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонунда давлат органлари вазирлик, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги ваколатлари, уларнинг вазифалари 4-5-6-моддаларда мукаммал ёритилган. Ушбу қонунда Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини

ислоҳ қилишга, қайта қуришга алоҳида аҳамият берилган (7-8-10 моддалар). Қонуннинг 7-моддасида Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашнинг давлат, хусусий ва бошқа тизимларидан иборат ягона соғлиқни сақлаш тизими амал қиласиди деб ёзилади.

Шу муносабат билан қонунинг 11 -моддасида давлат соғлиқни сақлаш тизимиға кирувчи тиббиёт муассасалари, хусусий соғлиқни сақлаш муассасалари, ҳамда соғлиқни сақлаш корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига, шунингдек, табобат ҳамда фармацевтика билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга лицензиялар бериш тартиби ва шартлари алоҳида қайд этилган.

Қонунда фуқароларнинг соғлиғини ҳукуқий жиҳатдан муҳофаза қилишга кенг ўрин берилган (13-28 моддалар). Давлат ёши, жинси, ирқи, миллати, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқейидан каътий назар фуқароларнинг соғлиғи сақланишини таъминлайди.

Қонунда оила соғлиғини сақлашга, тиббий-ижтимоий ёрдам олишга вояга этмаганларнинг, пенсия ёшидаги фуқароларнинг, ногиронларнинг, фавқулодда вазиятлар туфайли жабр кўрган фуқароларнинг, bemорларнинг ҳукуқлари алоҳида моддаларда кенг ёритилган.

Фуқароларга тиббий - ижтимоий ёрдам қўрсатиш алоҳида бобни ташкил этиб, у бирламчи тиббий санитария-ёрдами (29-модда) шошилинч ва тез тиббий ёрдам (30-модда) ихтисослашган тиббий ёрдам (31-модда)дан ташкил топганлиги алоҳида таъкидланган. Ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган фуқароларга тиббий-ижтимоий ёрдам қўрсатиш (32-модда), атрофдагилар учун хавфли бўлган касалликларга чалинган фуқароларга тиббий-ижтиимоий ёрдам қўрсатиш (33-модда) каби ва бошқа моддаларни ўз ичига олади. Фуқаролар касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини юқотган ва бошқа холларда профилактик, ташхис қўйиш-даволаш, куч-қувватини тиклаш, санитария-курорт, протез ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек, bemорларни, меҳнатга лаёқатсиз даврида ва ногиронларни боқишиш-парваришлиш юзасидан ижтимоий чора-

тадбирларни, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга. Қонуннинг IV - боби тиббий экспертизага бағишлиган бўлиб, унинг 36-моддасида фуқароларнинг касаллик, шикастланганлик, ҳомиладорлик, туққанлик, оиланинг бетоб аъзосини парваришланганлик, протез қўйидирганлик, санатория - курортда даволангандик муносабати билан ва бошқа ҳоллардаги меҳнатга вақтинча лаёқатсизлигини экспертизалаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади деб ёзиб қўйилган. Тиббий экспертиза меҳнатга вақтинча лаёқатсизликни экспертизалаш билан бир қаторда ногиронларнинг сабаби ва гурухини, ҳарбий - тиббий экспертиза, суд тиббиёти ва суд психиатрия экспертизалирини ўтказишни ўз ичига олади ва уларни ўтказиш қонун қоидаларини, йўл-йўриқларини белгилайди.

Қонуннинг V - бобида тиббиёт ва фармацевтика ходимларнинг ҳуқуқлари, хусусий тиббиёт амалиёти билан шуғулланиш ҳуқуқи, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари уюшмаларини тузиш ва уларнинг фаолиятига бағишлиган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига олий ёки Ўрта маҳсус тиббиёт ўқув юртини тамомлаганлик тўғрисида диплом олган шахслар, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган муайян тиббиёт ва фармацевтика фаолияти турлари билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Демак, олий ёки Ўрта маҳсус тиббий маълумот тўғрисида диплом ва танланган фаолият тури билан шуғулланиш учун лицензия олган шахслар хусусий тиббиёт амалиёти шу жумладан, табиблик (ҳалқ табобати) билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини профессионал тиббиёт уюшмалари ва маҳаллий давлат ҳокимиятлари органлари, шунингдек, рухсатнома (лицензия) берган орган назорат қилиб боради. Ғайри қонуний равишда тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи шахслар қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар.

Якунловчи VI - бобда врачлик этикаси ва деонтологиясига оид моддалар киритилган. Жумладан қонуннинг 44-моддасида «Ўзбекистон Республикаси шифокорининг қасамйоди», 45-моддада эса шифокор сири, 46-моддада фуқароларнинг соғлиғига этказилган зарарни қоплаш, 47-моддада эса соғлиқни сақлаш соҳасида фуқаролар хуқуқ ва эркинликларини камситувчи давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг ҳатти-харакатлари устидан фуқароларнинг шикоят қилиш ҳуқуқлари бўйича тартиб қоидалар берилган. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонуни - аҳоли саломатлигини сақлашга қаратилган чора-тадбирларни муентазам равишда такомиллаштириб бориш ва уларни мувоффақиятли ҳал қилишнинг хуқуқий базасини яратди.

### **Соғлиқни сақлашни ташкил этишнинг асосий принциплари:**

Ўзбекистонда фуқаролар соғлиғини сақлаш, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш Республикализнинг ўзига хос социал-иктисодий, ижтимоий - географик, демографик, касалланиш, санитария-эпидемиологик жиҳатларини эътиборга олган ҳолда, олиб борилмоқда. Ўзбекистонда фуқаролар соғлиғини сақлашнинг асосий принципларига қўйидагилар киради.

1. Соғлиқни сақлаш соҳасида инсон хуқуқларига риоя қилиш.
2. Аҳолининг барча катламлари тиббий ёрдамдан баҳраманд бўла олиш.
3. Профилактик чора тадбирларнинг устиворлиги.
4. Фуқаролар соғлиғини ижтимоий ҳимоя қилиш.
5. Тиббиёт фанининг амалиёт билан бирлиги.

**Соғлиқни сақлаш соҳасида инсон хуқуқларига риоя килиниши**  
**принципи.** Ушбу принцип Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги" қонуннинг 13-моддасида ўз тасдигини топган. Жумладан, ушбу моддада - Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида тегишли хуқуқларга эгадирлар. Давлат ёши, жинси, ирқи, миллати, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қаътий назар -фуқароларнинг соғлиғини сақланишни таъминлайди. Давлат фуқароларда касалликларнинг ҳар қандай шакллари борлигидан қаътий назар, уларнинг камситишлардан

ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Ушбу қоидани бузган, айбор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар деб белгилаб қўйилганлигининг ўзи Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида инсон хукуқларига риоя қилиниши қонун орқали ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

**Аҳолининг барча қатламлари тиббий ёрдамдан баҳраманд бўла олиш принципи.** Аҳоли соғлиғини сақлаш ва уни янада яхшилаш хукуматимизнинг ижтимоий соҳадаги муҳим вазифаларидан биридир. Бунинг учун эса

Республикамизда кўплаб шифо масканлари фаолият кўрсатмокда. Республика, вилоят, шаҳар, туман марказий шифохоналари, тиббиёт санитария қисмлари, туғруқхоналар, поликлиникалар, диспансерлар, қишлоқ врачлик пунктлари, Республика шошилинч тиббий ёрдам тез ёрдам илмий маркази ва унинг вилоят, Шаҳар, туман филиаллари, Олий тиббиёт ўкув юртлари уларнинг клиникалари халкимиз хизматида. Аҳолининг барча қатламлари, айниқса қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизматни яхшилаш, врачлик хизматини янада яқинлаштириш. Бу эса ўз навбатида қишлоқ аҳолисига малакали врачлик хизматини яқинлаштириш имконини беради. Ушбу қишлоқ врачлик пунктини ташкил этишда аҳолининг демографик, касалланиш кўрсаткичларига алоҳида эътибор беришмокда. Давлат, ҳокимиёт органлари, оиласи, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш чора тадбирларни амалга оширмоқди. Тиббий санитария ва тиббий-ижтимоий ёрдамдан ҳамманинг баҳраманд бўлишини таъминлашда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари масъул ҳисобланади.

**Профилактик чора-тадбирларнинг устиворлиги принципи.** Охирги пайтларда кўпгина мамалакатларнинг олимлари касалликни даволаш эмас, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашмокда. Бу концепция тобора кучайиб бормоқда, чунки касалликни даволашдан кўра уни олдини олиш арzonроқ тушади. Шунинг учун соғлиқни сақлаш хизматини ташкилаштириш ва лойихалаштириш соғлиқни тиклаш, саломатликни сақлашни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Соғлиқни

сақлаш тизимининг равнақи касалликларни даволаш билан эмас, балки саломатликни муҳофазаси билан боғлиқ деб ҳисобланмоқда, натижада эса бу соғлиқни сақлаш тизими орган ва муассасаларининг профилактик фаолияти ролини ошишига олиб келади. Шуни такидлаб, ўтиш керакки «Соғломларни саломатлигини сақлаш» концепцияси ҳаётий ҳакикатга айланиши зарур, бу эса ўз навбатида соғлиқни сақлаш системаси ресурсларидан унумли фойдаланишга олиб келади. "Касални даволашдан уни олдини олиш афзал" деган мақол бор. Биринчидан беморни касаллигини даволашга кетган маблағ, касаликни олдини олишга сарфланадиган моддий маблағдан анча қиммат туради. Иккинчидан касалланган bemornинг руҳий ҳолати, ёки касалини - сурункали формага ўтиши, айрим ҳолларда ногиронликка олиб келиши, ўлим билан тугаш ҳоллари, аҳоли саломатлигига катта путур этказади Ўртacha умрни қисқаришига олиб келади, аҳолини меҳнат фаолиятини камайтиради. Ишлаб чиқариш жараёнини бир мунча издан чиқаради. Юқоридагилар ҳалқ хўжалигининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади ва моддий зарар этказади. Учинчидан bemornинг оиласига моддий ва маънавий зарар этади. Шунинг учун хам Республикаизда аҳоли саломатлигини сақлаш, соғлиқни сақлашни ривожлантиришда профилактик чора тадбирларни амалга ошириш устивор йўналишга эга. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳукумат органлари, ҳокимиятлар, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, бўлимлари, Шаҳар, туман соғлиқни сақлаш бўлимлари, ҳамда уларнинг жойлардаги органлари санитария-эпидемиология назорати марказлари, маҳалла қўмиталари, "Экосан" "Соғлом авлод учун хайрия жамғармалари» аҳолининг санитария-эпидемиология хотиржамлигини таъминлаш учун атроф муҳитни соғломлаштириш, овқатланишни, меҳнат, турмуш, дам олишда таълим тарбия бериш шароитларини яхшилашга қаратилган қонунчилик санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга карши, табиатни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш билан шуғулланади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги жойларда профилактик ёрдам йўнналишлари ва ҳажмлари, профилактик мақсадларда эмлашлар ўтказишнинг муддати ва усулларини белгилайди, аҳоли орасида соғлом

турмуш тарзини тарғиб қилишни назорат қилади. Шу жиҳатдан касалликни олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларнинг самараси биринчи навбатда аҳолини, оилани, ҳар-бир шахсни тиббий-санитария маданиятига, тиббий фаоллигига, ўз саломатлигини сақлашга бўлган маъсулиятига боғлиқ. Агар аҳоли, ўз саломатлиги устида қайғурмас экан, уни мустаҳкамлаш учун шуғулланмас, курашмас экан, шу юналишда тиббиёт муассасалари олиб бораётган тадбирлар самараси паст, натижаси қоникарсиз бўлиб қола беради. Шу билан бирга ушбу ишларни самарасини оширишда ўрта тиббиёт ҳодимлар роли жудаям каттадир. Соғлиғини юқотган тақдирда фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш принципи. Ушбу принцип Ўзбекистоннинг ривожланиш ва ўзига хос тариққиёт йўлининг энг асосий тамойилларидан бири бўлган аҳолининг кучли ижтимоий ҳимоя қилиш тамойилига тўла мос тушади. "Соғлиқни йўқотганда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниш, тиббий ижтимоий ёрдам олиш ҳукуқи" Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги" қонуннинг 16 моддасида алоҳида кайд этилган. Жумладан ушбу моддада касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини юқотганда ва бошқа холларда фуқаролар профилактик, таххис қўйиш, даволаш, куч қувватини тиклаш, санатория-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек bemorlarни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиши парваришлар юзасидан ижтимоий чора - тадбирларни, шу жумладан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий ижтимоий ёрдам олиш ҳукуқига эга. Тиббий ижтимоий ёрдам тиббиёт ҳодимлари ва бошқа мутахасислар томонидан кўрсатилади деб белгилаб қўйилган.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишида тиббий сұғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида таъкиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳукуқига эга. Фуқароларнинг айrim тоифалари протез ортопедик ва мослама буюмлар ва эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш

воситалари ва бошқа маҳсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳукуқига эга.

### **Тиббиёт илм-фани ва амалиётнинг бирлиги принципи.**

Ўзбекистонда кўплаб тиббиёт олий ўқув юртлари, тиббиёт илмий текшириш инстиутларида кенг кўламда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Илмий тадқиқот ишларининг натижалари, олинган янгиликлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсати билан соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этилмоқда. Илм-фан ва амалиётнинг бирлик принципи, илм-фан ахлиниң тиббиётда ишлаётган амалиёт ходимлари, соғлиқни сақлаш

ташкилотчилари билан хамкорликда ўтказаётган сеъздлар, симпозиумлар, конференциялари оркали намаён булмоқда. Бундан ташқари Республикаизда кўпгина Илмий журналларда: "Ўзбекистон тиббиёт журнали", "Педиатрия", "Хирургия", "Патология" "Ҳамшира" журналлари ва шунга ўхшаш кўпгина журналларда олимларимизнинг илмий маколалари чоп этилмоқда ва улар ўз навбатида тиббиёт амалиётчиларига этиб бормоқда. Профилактика, ташхис қўйиш, даволашнинг янги усуллари, дори-дармонлар, микробиологик препаратлар ва дезинфекция воситаларини қўлланиши, ҳамда биологик-тиббий тадқиқотлар ўтказиш тартиби "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикасининг қонунининг 34- моддасида белгилаб қўйилган. Жумладан соғлиқни сақлаш амалиётида факат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўлланишга рухсат этилган профилактика, ташхис қўйиш, даволаш усулларидан тиббиёт технологиялари, дори - дармонлар, иммунобиологик препаратлар ва дезинфекция ситаларидан фойдаланилади. Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ташхис қўйиш, даволаш усуллари ва дори-дармонларни, иммунобиологик препаратлар ва дезинфекция воситаларини, шу жумладан, чет элда фойдаланиладиганларини қўлланиш тартиби, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади деб қайд этилган. Шундай қилиб, тиббиёт илм-фани, тиббиёт амалиёти билан чамбарчас боғлик. Албаттa тиббиётда илмий тадқиқот ишларини олиб боришда ва уни

амалиётга тадбиқ этишда юқорида келтирилган қонун қоидаларга амал қилиш талаб этилади

### **Назорат саволлари**

1. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисидаги қонуни қачон қабул қилинган?
2. Аҳолининг барча қатламлари тиббий ёрдамдан баҳраманд бўла олиш принципи?
3. Профилактик чора-тадбирларнинг устиворлиги принципи?

### **ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Маматкулов Б. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш. Т. 2019.
  2. Маматкулов Б. Соғлиқни сақлаш менежменти ва иқтисодиёти. Т., 2015.
  3. Маматкулов Б., Рустамова Х.Е. Жамоада хамширалик иши. Т. 2016.
  4. Orziyev Z. Hamshiralik ishi jarayonida bemorlarni tekshirish usullari. Т. 2010.
- Интернет сайtlар: [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz), [www.sestra.ru](http://www.sestra.ru), [tma.uz](http://tma.uz)
5. Ахоли соғлигини мухофаза қилиш тўғрисидаги Қонун. 1996йил.

## IV АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАР

### **1-Мавзу: Ахоли саломатлиги ва уни ўрганишда санитария-статистик тадқиқотларни ўрни.**

**Ишдан мақсад:** Санитария статистик тадқиқотларни ўтқазиш қоидалари, статистик кузатишиларни ташкил этиш, олинган материалларни расмийлаштириш ва уларни жамлаш, ҳисоблаш қоидалари, статистик таҳлил усуллари тўғрисидаги билимларни бериш, ҳамда кўникмаларини шакллантириш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчилар гурухларда топшириқни ечишади (Хар бир мавзу бўйича топшириқлар кейинги бўлимда келтирилган).

Статистика - бу жамият фанларидан бири бўлиб, у жамият орасида учрай-диган ҳодисаларнинг миқдор ўзгаришларини, сифат ўзгаришлари билан боғлаб ўрганадиган фандир.

Статистика фани жамият ҳаётининг қайси соҳасига тегишли ҳодисаларни ўрганишига қараб, у шу соҳанинг номи билан аталади: саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо, коммунал хўжалик, суд статистикаси ва ҳоказолар. Жамият фанларидан ташқари статистик услублар биология, кимё, физика фанларида ҳам қўлланилади ва улар биологик, кимё, физик статистикаси номлари билан юритилади.

Тиббиёт, гигиэна, соғлиқни сақлаш билан боғлик масалаларни ўрганадиган статистика тиббиёт ёки санитария статистикаси деб аталади.

Тиббиёт статистикаси жамоат соғлигини сақлаш фанининг асосий бир бўлаги ҳисобланади ва у ўз навбатида икки қисмга бўлинади: ахоли саломатлиги статистикаси ва соғлиқни сақлаш статистикаси.

Ахоли саломатлигини сақлаш ва уни мустаҳкамлаш каби масалаларни ҳал этиш учун ахоли саломатлигига таъсир этувчи асосий омилларни аниқловчи ва уларнинг конуниятларини очиб берувчи, ижтимоий-гигиэнник тадқиқотларда кенг қўлланиувчи статистик услубларга мурожаат этилади.

Статистик усул ахоли саломатлигини ва ундаги ўзгаришларни, тиббиёт

муассасаларини фаолиятини ва унинг самарасини объектив баҳолаш имконини беради. Клиник, экспериментал илмий тадқиқотларда санитария статистикаси ўрганилаётган ҳодисаларнинг моҳиятини, ички қонуниятларини очиб беради. Статистик усулнинг энг муҳим босқичларидан бири олинган маълумотларни йиғиши, таҳлил этиш ва баҳолашдан иборатdir.

Статистик усул кўпроқ математик статистикага суюнган ҳолда тадқиқот натижаларини ҳисоблайди ва таҳлил этади. Уларга нисбий қийматлар, ўртача қийматлар, стандартлаш усули, коррелясион таҳлил, дисперсион таҳлил каби баҳолаш мезонлари ва бошқалар киради.

Статистик тадқиқотлар аҳоли орасидаги туғилиш, ўлим, касалланишларни, уларнинг катталикларини ва қонуниятларини очиб бериш учун қисқа умумий дастур орқали, уларга таъсир этувчи ижтимоий - гигиэник, тиббий - биологик омиллар ва тиббий ёрдамнинг ташкил этилганлигини кенг ва чуқур дастур орқали олиб борилиши ва ўтказилиши мумкин.

Ҳар қандай ташкил этилган статистиктадқиқотлар бир турдаги схемага асосланган ва бир хил статистик босқичлардан иборат.

Санитария - статистик тадқиқотлар бирма - бир давом этувчи 4 босқичдан иборат:

- 1 - босқич - тадқиқот режасини ва дастурини тузиш.
- 2 - босқич - статистикмаълумот йиғишига кузатиш.
- 3 - босқич - олинган статистик маълумотларни гурухлаш, жамлаш ва ҳисоблаш.
- 4 - босқич - статистиктаҳлил, хulosалар чиқариш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш.

Биринчи босқич - асосий таергарлик босқичи ҳисобланади, чунки тадқиқотларни натижаси олдиндан тўғри тузилган аниқ режа ва дастур асосида олиб борилишига боғлиқ.

Иккинчи босқич – бунда статистик кузатишлар ёки статистик маълумот йиғиши амалга оширилади. Бу босқич тиббиёт муассасаларидаги маълум қайд этувчи ҳужжатларни ҳамшира томонидан тўлдириш орқали амалга

оширилади.

Учинчи босқич – йигилган статистик маълумотларни гурухларга ажратиш, жадвалларга ўтказиш, уларни жамлаш ва мутлоқ қийматлардан нисбий қийматлар келтириб чиқаришдан иборат.

Тўртинчи босқич – олинган катталикларни таққослаш, солишириш, уларга баҳо бериш ва амалиётга тадбиқ қилишдан иборат. Бу босқичда ўрганилаётган ҳодисага омилларнинг таъсирини ўрганиш ва уларни қонуниятларини аниқлаш учун ҳар - хил математик усуллар (коррелятсия, стандартизатсия, олинган маълумотлар аниқлигини баҳолаш) қўлланилади. Умуман статистик тадқиқот олинган натижаларни таҳлил қилиш, ўтказилган тадқиқот хуносаларини амалиётга тадбиқ қилиш билан якунланади.

Биринчи босқич - тадқиқот режасини ва дастурини тузиш. Бу босқич тадқиқотни олиб бориш учун таергарлик босқичи ҳисобланиб у кузатув дастурини, режасини, кузатувдан олинган маълумотларни қайд этувчи хужжатни тузишни ўз ичига олади ва қузатувнинг тури, тадқиқот усули, керакли кузатувлар сонини аниқлайди.

Кузатув дастурини тузишда, биринчи навбатда кузатув мақсади ва шу мақсадга эришиш учун бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинади.

Масалан: Мақсад – “аҳоли орасидаги касалланишларни ўрганиш” деб ёритилганда у мавҳум бўлиб қолади. Бунинг учун эса қайси тур касалликлари, аҳолининг қайси гуруҳида ўрганилиши ва охирги босқичда олинадиган натижаларга қараб амалиётга тавсиялар берилиши қисқа, аниқ ва равshan қилиб ёритилган бўлиши шарт.

Кўзда тутилган мақсад - мавзуу фақат тадқиқотчигагина тушунарли бўлиб қолмасдан, балки у бошқа мутахассис ва лавозимда ишлайдиган шахсларга ҳам тушунарли бўлиши керак.

Масалан: Тумандаги бир ёшли болалар ўлимининг асосий сабаблари ва уни камайтириш йўллари.

Одатда ҳар қандай мақсадга тўла эришиш учун санитария - статистик ва ижтимоий - гигиеник тадқиқотларда қуйидаги вазифалар ўз аксини топган

бўлиши керак:

1. Ўрганилаётган статистик мажмуада, олинган кузатув бирлигини тарқалганлиги, унинг натижалари.
2. Олинган воқеа ёки ҳодисанинг ма`лум минтақалар ва давр орасида ўзгаришлари.
3. Воқеа ёки ҳодисага умумлаштирилган тавсил бериш ва уни бир неча статистик мажмуалар орасида таққослаш (нисбий ва ўртача қийматлар орқали).
4. Олинган статистик қийматларни аниқлигини баҳолаш.
5. Натижавий белгига (касалланиш, ўлим кўрсаткичларига) ижтимоий - гигиэнник, ижтимоий – иқтисодий, табиий, экологик омилларни та`сирини ўрганиш.
6. Омиллар орасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш.
7. Натижавий белгилар орасидаги ўзаро алоқадорликни аниқлаш.
8. Ўтказилган тадқиқот якунига асосан амалиётга керакли таклифлар ва тавсиялар бериш.

Унча катта бўлмаган сатистик тадқиқотларда вазифалар одатда 4 - 6 тадан ошмаслиги керак.

Тадқиқотчи ма`лум бир мақсад ва вазифаларни олдига қўйишдан олдин шу ҳақдаги тегишли адабиётлар билан тўла танишган бўлиши керак.

Статистик кузатувнинг режаси деганда:

1 – кузатув олиб бориладиган об`ектни; 2 – кузатув бирлигини; 3 – кузатув олиб бориладиган муддатни; 4 – кузатув ўтказиладиган жой; 5 - кузатувни кимлар олиб бориши; 6 - кимнинг раҳбарлигига олиб борилиши; 7 - тадқиқотни ўтказиш учун сарф бўладиган моддий маблағ миқдорини аниқлаш тушунилади;

Кузатув олиб бориладиган об`ект деганда, бевосита статистик ма`лумот йиғиладиган муҳит тушунилади. Бу шаҳар ёки туман аҳолиси, вилоят муқим шифохоналарида даволангандек беморлар сони, институт талабалари, минтақа ёки ҳудудда яшовчи аҳоли, завод, фабрикаларнинг фаолияти ва бошқалар тушунилади. Кузатув бирлиги – статистик тадқиқот олиб борилаётган

муҳитнинг асосий таркибий қисми бўлиб, у қайд этилиш лозим бўлган белгиларни ўз ичига олади. Кўп ҳолларда кузатув бирлиги саноқ бирлиги деб ҳам аталади. Кузатув бирлиги кўзда тутилган мақсадга қараб бемор, ўлган шахс, соғлом инсон, оила ва бошқалар бўлиши мумкин. Кузатув бирликларининг сони статистик мажмуанинг ҳажмини (н) белгилайди.

Статистик мажмуа деб - ма`лум вақт ичида, ма`лум чегарада олинган мазмунан бир хил, шаклан ҳар - хил элементлардан ташкил топган гуруҳларга айтилади. Статистик мажмуа 2 хил бўлади: 1.Генерал мажмуа; 2.Танлаб олинган мажмуа.

Генерал мажмуа деб - барча кузатиш бирлигини ўз ичига олган мажмуага айтилади. Генерал мажмуа тушунчаси нисбий бўлиб, у кузатишни мақсадига қараб, бир вақтнинг ўзида генерал ёки танлаб олинган мажмуа деб қаралиши мумкин. Масалан: "Н" вилоятидаги "А" туманда яшовчи болалар сони шу туман учун генерал мажмуани, вилоят болалари учун эса танлаб олинган мажмуани ташкил этади. Генерал мажмуани қўпинча чексизликка интилаётган мажмуа деб қаралади. Масалан: ОИТС касаллигини тарқалганлигини билиш учун эр юзида ОИТС билан касалланган барча bemorlarни ўргана олсак, у ҳолда генерал мажмуага эришган бўлар эдик. Генерал мажмуада статистик тадқиқотлар олиб бориш учун унинг ба`зи белгиларига (вақтга, территорияга) қараб чеклаб ўрганилади

Танлаб олинган мажмуа генерал мажмуани бир қисми бўлиб у маҳсус йўллар орқали танлаб олинади. Танлаб олинган мажмуани энг муҳим томонларидан бири унинг репрезентативлиги, я`ни у генерал мажмуанинг вакили хисобланиб, ундаги ҳамма асосий белгиларни ўзида намоён қила олиши керак.

Икки хил хусусиятларни ўзида намоён қилган бир қисм мажмуа генерал мажмуага нисбатан репрезентатив хисобланади:

1. Белгилари жиҳатидан генерал мажмуага ниҳоятда ўхшаш бўлиши керак.
2. Кузатувлар сони этарли бўлиши керак (генерал мажмуудан 10% ва ундан юқори).

Статистик мажмуа ўзида бир неча хил: ўхшашлик ва фарқли, сифат ва сон,

омил ва натижа белгиларни намоён қиласи. Масалан: “Н” туманида 2013 йилда 1 ёшгача болалар ўлимини сабаблари ўрганилаётган бўлсин. Бунда бир ёшгача ўлган болалар статистик мажмуани ташкил этади. Уларнинг асосий белгиларига қуидагилар киради: ўхшашлик белгиси - барчаси “Н” туманда туғилган, 2013 йилда ўлган, бир ёшли; фарқли белгилар: ўғил бола, қиз бола, онасининг ёши, ҳомиладорлик ва туғишилар сони; сифат, яни сўз билан ифодаланадиган белгилар: жинси, ташхис, онасининг касби, уй шароити, овқатланиш характеристи; сон, яни сон билан ифодаланадиган белгилар: боланинг ёши, онасининг ёши, ҳомиладорлик ва туғишилар сони, боланинг вазни; омил белгилари: боланинг жинси, ёши, онасининг ёши, касби, боланинг туғилгандаги вазни, уй шароити, овқатланиш характеристи; натижа белги: ўлим.

Тадқиқотни ташкил этишни биринчи босқичида асосий ўринни статистик мажмуани тўғри ташкил этиш эгаллайди. Статистик тадқиқотлар улар ўтказиладиган вақтга, статистик мажмуани ҳажмига ва кузатиш усулига қараб ма`лум классификацияга бўлинади. Статистик тадқиқотлар кузатиш ўтказилган вақтга қараб 2 га бўлинади: лаҳзада ва жорий кузатиш. Лаҳзада кузатиш усулидан ўрганилаётган ҳодисалар тез ўзгариш хусусиятига эга бўлмаган пайтда фойдаланилади. Бу усулда воқеалар ва ҳодисаларни аниқ олинган бир вақтдаги катталиклар ўрганилади. Масалан: аҳолини рўйхатга олиш, муқим шифохонадаги ўринларни, тиббиёт муассасаларидаги ходимларни рўйхатдан ўтказиш, аҳолини профилактик кўрикдан ўтказиш, жисмоний ривожланишни ўрганиш каби тадбирлар киради. Бир вақтда ўтказиладиган кузатишлардан олинган ма`лумотлар уларни бир - бирига таққослаб, чуқур ўрганиш учун бой материаллар беради.

Жорий кузатиш усули – соғлиқни сақлаш системасида асосий усуллардан бири ҳисобланиб, ҳар хил интенсив катталикка эга бўлган воқеаларни ўрганишда қўлланилади. Жорий кузатиш усули деб - воқеаларни пайдо бўлишига қараб уларни доимий равишда қайд этишга айтилади (туғилиш,

ўлим, касалликлар, вақтінча иш қобилиятини йўқотганлик ҳақидаги ҳодисаларни қайд этиш шулар жумласига киради).

Санитария - статистик тадқиқотларда ҳар бир кузатилаётган бирлик ҳақида ма`лумот йиғишнинг бир неча усуллари бор: 1) бевосита кузатиш, 2) хужжатлар асосида ма`лумот тўплаш, 3) анамнестик (хотирлаш) анкета - сўров усуллари.

Бевосита кузатиш усулига - клиника ва лабораторияда олиб борилаётган эксперимент натижаларини қайд этиш орқали ма`лумот йиғиш киради.

Хужжатлар ёрдамида ма`лумот тўплаш усулида тиббиёт, санитария - эпидемиология муассасаларида қўлланилаётган ҳар хил хужжатларни ўрганиш орқали ма`лумот йиғилади.

Айрим ҳолларда тадқиқотчи картадан кенг ва тўла ма`лумотлар олиш учун ўзи сезмаган ҳолда ундаги саволларни ва унинг ҳажмини керагидан ошириб юборади. Натижада йиғилган ма`лумотларнинг бир қисми материалларни қайта ишлашда фойдаланилмай қолади, уни йиғиш учун эса бекорга ортиқча вақт ва куч сарфланади, бундан ташқари материалларни жамлаш ва гурухлаш даврида айрим саволлар (ба`зан муҳим) анкетага киритилмагани ва уларга керакли жавоблар олинмаганлиги сезилиб қолади, бунинг учун эса қайтадан текширишлар ўtkазиш лозим бўлади. Шунинг учун маҳсус анкета ёки карта тузишдан олдин тадқиқотчи ўтказиладиган тадқиқотнинг туб ма`носини ва мазмунини тушуниб этган бўлиши керак.

Иккинчи босқич - ма`лумот йиғиш ва кузатиш. Бу босқич энг муҳим босқичлардан бири ҳисобланади, чунки тадқиқот якунида чиқариладиган хulosалар, ҳамда тадқиқоддан кутилаётган натижаларнинг тўғрилиги биринчи навбатда йиғилган статистик ма`лумотларнинг тўлалигига ва аниқлик даражасига боғлиқ. Шунинг учун ҳам, ма`лумот йиғиш учун маҳсус тайёргарликдан ўтган ёки шу ўрганилаётган соҳа бўйича этарли малакага эга бўлган шахслар жалб этилиши керак. Ижтимоий - гигиэник тадқиқотларда ма`лумотларни қайд этиш учун ҳар - хил хужжатлардан фойдаланилади: давлат статистикаси қўмитасининг маҳсус тиббий ва статистик хужжатлари (муқим шифохонада ётган беморнинг картаси, амбулатория беморининг

картаси, болаларнинг ривожланиш тарихи, туғруқ ва ўлим ҳақидаги гувоҳнома ва ҳоказо);–

тиббий ва статистик ҳужжатлардан ма`лумотларни кўчириб ёзиш учун тузилган махсус карталар;–

ҳар бир конкрет кузатилаётган бирлик учун тузилган махсус анкета, савол - жавоб варақаси, кундаликлар ва ҳоказо.–

Материал йиғиш давомида олинган ма`лумотларнинг сифатини доимо назорат қилиб бориши, барча материаллар йиғиб бўлингандан сўнг уларни сифат ва миқдор жиҳатдан тўғри тўлдирилганлигини текшириш керак.

Айрим саволларга тўлиқ жавоб олинмаган карталар иложи бўлса қайтадан тўлдирилади, бўлмаса у тадқиқот кузатувидан чиқарилиб юборилади.

Учинчи босқич - йиғилган материалларни гуруҳларга ажратиш, жамлаш ва ҳисоблаш. Бу босқич ўз навбатида иккита кичик босқичларга бўлинади:

- а) ма`лумотларни гуруҳларга ажратиш;
- б) жамлаш ва ҳисоблаш;

Гуруҳлаш деганда - барча йиғилган статистик материалларни уларнинг бирлаштирувчи (ўхшашлиқ) белгилари бўйича айрим гуруҳларга ажратиш тушунилади.

Барча ва ўргатилаётган ҳодисаларнинг жараёнини, қонуниятларини чуқур тушуниб этган ҳолда гуруҳларга ажратиш тақозо этилади. Гуруҳлаш ўтказилаётган тадқиқотнинг мақсадига бевосита боғлиқ бўлади ва у ўрганилаётган белгининг фарқи ва сонига қараб 2 хил бўлади:

1. атрибутив, типологик гуруҳлаш - бунда белгининг сифатий таркибиغا қараб гуруҳларга ажратилади. Масалан: яшаш жойига қараб, шаҳар ва қишлоқ, жинси бўйича эркак ва аёл, ижтимоий ҳолати бўйича ишчи ва хизматчи ва bemorlarning tashxislariiga қараб гуруҳларга ажратиш.
2. вариатсион гуруҳлашада эса белгининг миқдорий таркибиغا қараб гуруҳларга ажратилади. Масалан: aholining Ёшига, vazniga, bўyiga, bemorlarning muqim Shifoxonalardan davolaniш muddatiga қараб гуруҳларга ажратилади.

Жуда кўп гурухларга ажратиш, олиниши лозим бўлган ма`лумотларни майдаланиб кетишига ва ҳодисаларнинг айрим қонуниятларини очилмай қолишига олиб келади, кам сонли гурухлар эса, ўз навбатида воқеаларнинг характерли томонларини очиб бера олмайди. Гурухлаш статистик материалларни жамлаш учун асос бўлиб хизмат қиласди. Жамлаш - статистик кузатиш натижасида олинган, якка ҳолда учрайдиган ҳодисаларни йифиши, ма`лум гурухларга ажратиш демакдир. Жамлаш босқичида айрим якка ҳолда ёзилган белгилар йигилиб, ўрганилаётган мажмууга миқдорий сон жиҳатидан тавсиф берувчи жадвалларга ўтказилади. Ма`лумотларни жамлаш натижалари статистик жадвалларда акс эттирилади.

Статистик жадваллар икки хил бўлади: оддий ва мураккаб.

Статистик жадваллар статистик маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилишда бир универсал воситаси сифатида хизмат қиласди.

Мураккаб жадваллар ўз навбатида гурухлашган ва конбинатсион жадвалларга бўлинади. Ҳар қандай жадвал унинг моҳиятини кўрсатувчи эга ва эганинг моҳиятини очиб берувчи кесимдан иборат бўлади. Одатда жадвалнинг эгаси чап томондаги қаторларда, жадвалнинг кесими эса юқоридаги устунларда жойлашган бўлади. Ҳар қандай жадвал ма`лум номга эга бўлиб, у жадвалда келтирилган ма`лумотларнинг қисқа ва аниқ ҳолда туб моҳиятини кўрсатиб беради.

Оддий жадвалларда (жадвал 1) статистик материал фақат битта белги бўйича сон жиҳатдан тақсимланади. Гурухлашган жадвалда (жадвал 2) эса статистик материал бир - бирига боғлиқ бўлган икки белги бўйича, комбинатсион жадвалда (жадвал 3) эса бир - бирига боғлиқ бўлган учта ва ундан кўп белгилар бўйича тақсимланади. Жадваларни макетини олдиндан биринчи босқичда таерланади. Жамлаш ва ҳисоблаш замонавий электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида статистик - математик усуллардан фойдаланган ҳолда ўтказилади.

Тўртингчи босқич – статистик таҳлил, хуносалар чиқариш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш. Барча статистик ма`лумотларни жадвалларга ўтказиб, улардан нисбий, ўртacha қийматлар келтириб чиқарилгандан сўнг,

олинган натижаларни яққолроқ ва кўргазмали қилиб ифодалаш учун ҳар хил диаграммалардан фойдаланилади.

Тадқиқот якунида, тадқиқот натижасида олинган ва илмий адабиётларда келтирилган ма`лумотларга асосланган ҳолда тадқиқотнинг хуросалари келтирилиб чиқарилади, ҳодисаларнинг қонуниятлари очиб берилади ва аҳоли саломатлигини янада яхшилаш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг ишини мувофиқлаштириш, ҳамда самарасини ошириш борасида амалиётга таклифлар киритилади.

### **Назорат саволлари**

1. Аҳоли саломатлиги мезонлари?
2. Санитария статистик тадқиқотларни ўтқазиш қойдалари?
3. Аҳоли саломатлигига таъсир килувчи омилларини ўрганиш усуллари?
4. Ҳамширалар статистик текширувларни ўтқазиш жараенидаги ўрни?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Маматкулов Б. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш. Т. 2019.
2. Маматкулов Б. Соғлиқни сақлаш менежменти ва иқтисодиёти. Т., 2015.
3. Маматкулов Б., Рустамова Х.Е. Жамоада ҳамширалик иши. Т. 2016.
4. Orziyev Z. Hamshiralik ishi jarayonida bemorlarni tekshirish usullari. Т. 2010.

**Интернет сайтлар:** [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz), [www.sestra.ru](http://www.sestra.ru), [tma.uz](http://tma.uz)

**2-Мавзу:** Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини муҳофазалаш тизими.

**Ишдан мақсад:** Ўзбекистон Республикасининг фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисидаги Қонун, Фармон ва қарорлари, буйруқлари, касалликларни олдини олиш, умрни узайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ўтқазиш, Ҳамширалик ишида аҳоли саломатлигига таъсир этувчи омилларни аниқлашда замонавий усулларини қўллаш, ахолини хавф омилларини олдини олишда замонавий ҳамширалик ёндошувини олиб бориш қўнималарига эга бўлиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчилар гурухларда топшириқни ечишади (Ҳар бир мавзу бўйича топшириқлар кейинги бўлимда келтирилган).

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг турли қирраларини ёритишдан аввал “саломатликни муҳофазалаш” тушунчасига тўхталиб ўтиш лозим, чунки ўтган асрнинг 50-йилларигача турли мамлакатларда ушбу тушунчага турлича таъриф берилган. 1952 йил Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг жамоат соғлиғини сақлашни ташкиллаштириш эксперtlари томонидан аҳоли саломатлигини муҳофазалаш тушунчасига қўйидагича таъриф берилган.

“Саломатликни муҳофазалаш” – бу касалликларни олдини олиш, умрни узайтириш, ақлий ва жисмоний саломатликни таъминлаш ва одамлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида, жамиятнинг ташкилий фаолиятларини кучайтириш орқали атроф-мухитни соғломлаштириш, юқумли касалликларга қарши қураш, одамларни шахсий гигиэна қоидаларига ўқитиши, эрта ташхислаш ва касалликлар профилактикасини амалга ошириш учун тиббиёт ва врачлик ёрдамини ташкил этиш, ҳамда ҳар бир инсоннинг турмуш даражасини, саломатлигини яхшилаш, қўллаб қувватлаш мақсадида ижтимоий механизmlарни тараққий эттириш ҳақидаги санъат ва фандир. Бундай фаровонликлар таъминланганда ҳар бир фуқаро узок умр кўришга, соғлом ҳаёт кечиришга бўлган ўзининг ажralmas ҳукуқини амалга ошириш имконига эга бўлади.

Бугунги кунда аҳоли саломатлигини муҳофazalash фақат соғлиқни сақлаш ташкилотларининггина вазифаси эмаслиги ҳаммамизга маълум. Бу умуман давлат, жамият иши, аммо бу жараённи бошқаришда соғлиқни сақлаш тизими, муҳим бирлаштирувчи, координациялаштирувчи ролни ўйнайди. Жамоат соғлиғини сақлаш, аниқ аҳоли гурухининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб кенг қамровли соғлиқни сақлаш хизматини ташкил этишдан иборат. Шунинг учун ҳам аҳоли саломатлиги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, тегишли ресурсларни аниқлаш бўйича маълумотларга эга бўлиш талаб этилади. Демак, Жамоат соғлиғини сақлашнинг моҳияти аҳоли

саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш, ташхислаш ва даволаш, ҳамда жисмоний, ижтимоий ва қасбий жонлаштириш мақсадида кадрларни, тиббий хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган турли тиббиёт аппаратлари, асбобларини аниқлашдан иборат.

ЖССТ ташкилотининг таърифича Соғлиқни сақлаш тизими - бу уйда, таълим муассасаларида, иш жойида, жамоада, жисмоний ва руҳий ижтимоий доираларда, ҳамда соғлиқни сақлаш ва у билан боғлиқ муассасаларда амалга ошириладиган, саломатликни мустаҳкамлашга ёрдам берувчи бир – бири билан ўзаро боғлиқ бўлган чора- тадбирлар йиғиндисидир.

Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини муҳофазалаш йиллар давомида шаклланган кучли соғлиқни сақлаш тизими орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисидаги қонунида фуқароларнинг соғлигини сақлашга доир ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланишини таъминлаш; фуқароларнинг соглом турмуш тарзини шакллантириш; давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш белгилаб берилган.

Давлат ва соғлиқни сақлашнининг бошқа тизимларини “Жамоат соғлигини сақлаш” деган умумий тушунча бирлаштиради. Жамоат соғлигини сақлаш – бу аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, касалланиш ва шикастланишларни профилактикаси, меҳнат фаолияти ва Ўртacha умрни узайтиришга қаратилган, давлат, жамият, тиббий ва нотиббий ташкилотлар орқали амалга ошириладиган илмий ва амалий чора – тадбирлар йиғиндисидир.

Давлат соғлиқни сақлаш тизими, қонуний асослари: Давлат соғлиқни сақлаш тизимига Ўзбекистон республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қоракалпагистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлашни бошқариш органлари, уларни шаҳар ва туман бўлинмалари киради. Давлат соғлиқни сақлаш тизимига давлат

мулки бўлган ва давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқарув ораганларига бўйсунувчи даволаш-профилактика ва илмий-тадқиқот муассасалари, клиникалари, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари тайёрлайдиган ҳамда, уларни қайта тайёргарликдан ўтказадиган ўқув юртлари, фармацевтика корхоналари ва ташкилотлари, санитария-профилактика муассасалари, суд-тиббиёт экспертиза муассасалари, тиббий дори-дармонлар ва тиббиёт техникаси ишлаб чиқарадиган корхоналар, асосий фаолияти фуқаролар соғлигини сақлаш билан боғлиқ бошқа корхона, муассаса ва ташкилотлар киради.

Илмий-тадқиқот институтларининг клиникалари, вазирликлар, идоралар, давлат корхоналари, муассаса ва ташкилотлари барпо этадиган даволаш-профилактика ва дорихона муассасалари давлат соғлиқни сақлаш тизимиға киради.

Давлат бюджети ҳисобидан таъминланадиган давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасалари аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатади.

Соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимлари жумласига хусусий табобат амалиёти ёки хусусий фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар, хусусий корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари томонидан, шунингдек, қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан маблағ билан таъминланадиган даволаш-профилактика, дорихона муасссалар ҳамда, табобат ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар киради.

Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини сақлаш ва янада мустаҳкамлаш давлатнинг муҳим тиббий – ижтимоий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу масала Ўзбекистон Республикасининг конституцияси ва давлатнинг бошқа қонунчилик хужжатларида ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида аҳоли саломатлигини сақлаш, соғлиқни сақлашни ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, табиатни муҳофаза қилиш бўйича алоҳида моддалар ўрин олган.

Жумладан, "Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва бурчлари" номли иккинчи бўлимнинг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар, деб белгилаб қўйилган. Конституциянинг 39-моддасида эса "Ҳар ким қариганда, меҳнатлаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга" эканликлари, 40-моддада "Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга"лиги, 65-моддада – "Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади", деб белгилаб қўйилган. Аҳоли саломатлигини сақлашнинг барча қирралари 1996 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги қонунида тўлиғича ўз аксини топган.

Ушбу қонунни яратилишида жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидағи соғлиқни сақлашга доир қонунлар, улардаги соғлиқни сақлаш тизимини ривожланиши, аҳолига қўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг юналишини эътиборга олинган, Бирлашган миллатлар ташкилотининг «Инсон ҳуқуқлари декларацияси», Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисидаги ҳалқаро шартномалари ва қонун хужжатларига амал қилинган ҳолда тузилган.

Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисидаги қонун катта сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган юридик хужжат ҳисобланади. У Ўзбекистонда хозирги даврдаги соғлиқни сақлаш ҳолатини акс эттирган ҳолда, келгусида фуқаролар соғлигини сақлаш, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, ислоҳ қилишнинг меъёрий ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қиласи. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштиришлари, республика вазирликлари ва идоралари мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив хужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишлари лозим.

Фуқаролар соғлигини сақлаш түғрисидаги қонун хужжатларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- фуқароларнинг соғлигини сақлашга доир хуқуқларини давлат томонидан кафолатланишини таъминлаш;
- фуқароларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш;
- давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасидаги фаолиятини хуқуқий жиҳатдан тартибга солиш. Юртимизда аҳоли саломатлигини сақлаш ва яхшилаш имконини берадиган сифатли соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, соғлом авлод тарбияси учун шарт-шароит яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Мамлакатимизда кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг самарадорлиги, сифати ва қулайлигини ошириш таъминланди, БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларининг асосий параметрларига эришилди.

Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасида мамлакатимиз эришган ютуқларга халқаро ҳамжамият томонидан ижобий баҳо берилди. Масалан, аҳолининг умр кўриши 4,6 ёшга - 1995 йилдаги 69,1 ёшдан 2017 йилда 73,7 ёшга ошди.

Оналар ўлими кўрсаткичи 3,1 бараварга камайиб, 100 минг нафар тирик туғилган чақалоққа нисбатан 21 та ҳолатни ташкил этди, чақалоқлар ўлими эса 3,1 бараварга камайиб, 1000 нафар тирик туғилган чақалоққа нисбатан 11,5 та ҳолатни ташкил этди. Болаларда энг кўп учрайдиган касалликларга қарши эмлаш ва профилактика тадбирлари билан қамраб олиш даражаси 96 - 98 фоизда қатъий сақланиб турибди.

Юқумли касалликларга қарши курашиш бўйича комплекс профилактика, эпидемияга қарши ва санитария-гигиена тадбирларининг жорий этилиши ўта хавфли юқумли касалликлар (ўлат, вабо), полиомиелит, дифтерия, чақалоқлар қоқшоли, маҳаллий келиб чиқкан безгак, қизамиқ ва қизилча юзага келишидан тўлиқ ҳимоя қилиш имконини берди. Полиомиелитнинг ёввойи штамми (2002 йил), қизамиқ ва қизилча

(2017 йил), безгак (2018 йил) йўқ қилинганлиги тўғрисида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сертификатлари олинди.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлашни ташкил этишда фуқаролар соғлигини сақлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид вазифаларни самарали ҳал қилишга тўсқинлик қилаётган айрим муаммоли масалалар ва салбий ҳолатлар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, тармоқни комплекс ҳуқуқий тартибга солишнинг мавжуд эмаслиги, ўлим ва ногиронликни келтириб чиқариш эҳтимоли катта бўлган касалликларнинг олдини олиш ва улардан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги қонуности ва идоравий ҳужжатларнинг ҳаддан ортиқ кўплиги соғлиқни сақлаш тизими барқарорлигини таъминлаш имконини бермаяпти. Трансплантология, кўмакчи репродуктив технологиялар, телетибиёт каби талаб юқори бўлган йўналишларнинг тартибга солинмаганлиги миллий соғлиқни сақлаш тизими тиббиёт илм-фани ва амалиётининг замонавий ютуқларидан ортда қолиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунга қадар мажбурий тиббий суғурта тизимини жорий этиш учун шарт-шароитлар яратилмаган. Натижада ҳанузгача соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш асосан бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилмоқда. Республикада тиббиёт хизматларининг клиник тавсиялари (баённомалари) ва стандартлари билан узвий боғлиқ клиник-харажат гурухлари (DRG тизими) ишлаб чиқилмаган.

Соғлиқни сақлаш бирламчи бўғинининг профилактика, патронаж ва ўз вақтида даволаш-ташхис қўйиш ишлари, шу жумладан амбулаторияда даволашни охиригача етказиш самарадорлиги қониқарсизлигича қолмоқда. Бунинг натижасида аҳоли соғлигини сақлаш тизимида қиммат турадиган стационар ёрдам асосий ўринни эгалламоқда.

Аҳолига, айниқса болалар ва фертиль ёшидаги аёлларга патронаж хизмати даражаси паст эканлиги (72-77%) қайд этилмоқда, умумий амалиёт шифокорларининг билим ва қўнималари даражаси оналар ва болаларга тиббий ёрдамни тўлиқ ҳажмда таъминлаш имконини бермаяпти.

Соғлиқни сақлашнинг жадал ривожланаётган хусусий секторини давлат тиббиёт ташкилотлари билан ҳамкорликка фаол жалб қилишга ғов бўлаётган тўсиқлар қўшимча молия ресурсларидан соғлиқни сақлаш учун самарали фойдаланиш имконини бермаяпти.

Тиббиёт олий таълим муассасалари клиникалари экстенсив тарзда ривожланмоқда, у ерда тиббиёт фанлари докторларининг 70 фоизи ишласада, уларнинг салоҳиятидан етарлича фойдаланилмаяпти. ихтисослашган марказларнинг инновацион салоҳияти пастлиги шароитида тиббиёт амалиётининг таълим бериш жараёни ва илм-фан билан суст интеграциялашганлиги тиббиётнинг илгор ютуқларини даволаш-ташхис жараёнига жорий этиш қониқарсиз даражада эканидан дарак бермоқда.

Шу билан бирга, тиббиёт кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий тизимларини татбиқ этишдаги сусткашлик ва бунинг оқибатида шифокорлар ҳамда ўрта тиббиёт ходимлари касбий билимлари даражасининг етарли эмаслиги кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Тиббиёт ходимларини ижтимоий-моддий ҳимоя қилиш даражаси пастлиги, улар ижтимоий-хукуқий ҳолатининг ўз зиммасига юкланаётган жавобгарлик даражасига мос келмаслиги малакали кадрларнинг тизимдан чиқиб кетиши ва коррупция ҳолатлари юзага келиши учун шароит яратмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимига ахборот-коммуникация технологияларининг етарлича жорий этилмаганлиги, тиббиёт хужжатларининг жуда катта ҳажми қофоз шаклида юритилиши қабул қилинаётган қарорлар ижросини тезкор қузатиб бориш ва самарали ижросини таъминлаш имконини бермаяпти, шунингдек, ортиқча бюрократизм ва катта харажатларга сабаб бўлмоқда.

Юқорида санаб ўтилган камчиликлар соғлиқни сақлашнинг сифатига бўлган аҳолининг тобора ортиб бораётган талабларини қондириш, жойларда тўпланиб қолган муаммоларга тезкорлик билан муносабат билдириш ва

тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида ижобий ўзгаришларга эришиш имконини бермаяпти.

Шу муносабат билан қўйидаги мақсадлар, вазифалар ва асосий йўналишларни назарда тутувчи 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини муваффақиятли амалга ошириш орқали соғлиқни сақлашнинг концептуал янги моделини шакллантириш зарурати пайдо бўлди.

Аҳоли соғлигини сақлаш ва уни янада яхшилаш хукуматимизнинг ижтимоий соҳадаги муҳим вазифаларидан биридир. Бунинг учун эса Республикаизда кўплаб шифо масканлари фаолият кўрсатмокда. Республика, вилоят, шаҳар, туман марказий шифохоналари, тиббиёт санитария қисмлари, туғруқхоналар, поликлиникалар, диспансерлар, қишлоқ врачлик пунктлари, Республика шошилинч тиббий ёрдам тез ёрдам илмий маркази ва унинг вилоят, Шаҳар, туман филиаллари, Олий тиббиёт ўкув юртлари уларнинг клиникалари халкимиз хизматида. Аҳолининг барча қатламлари, айниқса қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизматни яхшилаш, врачлик хизматини янада яқинлаштириш. Бу эса ўз навбатида қишлоқ аҳолисига малакали врачлик хизматини яқинлаштириш имконини беради. Ушбу қишлоқ врачлик пунктини ташкил этишда аҳолининг демографик, касалланиш кўрсаткичларига алоҳида эътибор беришмоқда. Давлат, ҳокимият органлари, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш чора тадбирларни амалга оширмоқди. Тиббий санитария ва тиббий-ижтимоий ёрдамдан ҳамманинг баҳраманд бўлишини таъминлашда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари масъул ҳисобланади.

**Профилактик чора-тадбирларнинг устиворлиги принципи.** Охирги пайтларда кўпгина мамалакатларнинг олимлари касалликни даволаш эмас, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашмоқда. Бу концепция тобора кучайиб бормоқда, чунки касалликни даволашдан кўра уни олдини олиш арzonроқ тушади. Шунинг учун соғлиқни сақлаш хизматини ташкилаштириш ва лойихалаштириш соғлиқни тиклаш,

саломатликни сақлашни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Соғлиқни сақлаш тизимининг равнақи касалликларни даволаш билан эмас, балки саломатликни муҳофазаси билан боғлиқ деб ҳисобланмоқда, натижада эса бу соғлиқни сақлаш тизими орган ва муассасаларининг профилактик фаолияти ролини ошишига олиб келади. Шуни такидлаб, ўтиш керакки «Соғломларни саломатлигини сақлаш» концепцияси ҳаётий ҳакикатга айланиши зарур, бу эса ўз навбатида соғлиқни сақлаш системаси ресурсларидан унумли фойдаланишга олиб келади. "Касални даволашдан уни олдини олиш афзал" деган мақол бор. Биринчидан беморни касаллигини даволашга кетган маблағ, касаликни олдини олишга сарфланадиган моддий маблағдан анча қиммат туради. Иккинчидан касалланган беморнинг руҳий ҳолати, ёки касалини - сурункали формага ўтиши, айрим ҳолларда ногиронликка олиб келиши, ўлим билан тугаш ҳоллари, аҳоли саломатлигига катта путур этказади Ўртacha умрни қисқаришига олиб келади, аҳолини меҳнат фаолиятини камайтиради. Ишлаб чиқариш жараёнини бир мунча издан чиқаради. Юқоридагилар ҳалқ хўжалигининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади ва моддий зарар этказади. Учинчидан беморнинг оиласига моддий ва маънавий зарар этади. Шунинг учун хам Республикаизда аҳоли саломатлигини сақлаш, соғлиқни сақлашни ривожлантиришда профилактик чора тадбирларни амалга ошириш устивор йўналишга эга. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳукумат органлари, ҳокимиятлар, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, бўлимлари, Шаҳар, туман соғлиқни сақлаш бўлимлари, ҳамда уларнинг жойлардаги органлари санитария-эпидемиология назорати марказлари, маҳалла қўмиталари, "Экосан" "Соғлом авлод учун хайрия жамғармалари» аҳолининг санитария-эпидемиология хотиржамлигини таъминлаш учун атроф муҳитни соғломлаштириш, овқатланишни, меҳнат, турмуш, дам олишда таълим тарбия бериш шароитларини яхшилашга қаратилган қонунчилик санитария холатини яхшилаш ва эпидемияга карши, табиатни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш билан шуғулланади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги жойларда профилактик ёрдам йўнналишлари ва ҳажмлари, профилактик мақсадларда эмлашлар

ўтказишнинг муддати ва усулларини белгилайди, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни назорат қиласи. Шу жиҳатдан касалликни олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларнинг самараси биринчи навбатда аҳолини, оилани, ҳар-бир шахсни тиббий-санитария маданиятига, тиббий фаоллигига, ўз саломатлигини сақлашга бўлган маъсулиятига боғлиқ. Агар аҳоли, ўз саломатлиги устида қайғурмас экан, уни мустахкамлаш учун шуғулланмас, курашмас экан, шу юналишда тиббиёт муассасалари олиб бораётган тадбирлар самараси паст, натижаси қоникарсиз бўлиб қола беради. Шу билан бирга ушбу ишларни самарасини оширишда ўрта тиббиёт ҳодимлар роли жудаям каттадир. Соғлиғини юқотган тақдирда фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш принципи. Ушбу принцип Ўзбекистоннинг ривожланиш ва ўзига хос тариққиёт йўлининг энг асосий тамойилларидан бири бўлган аҳолининг кучли ижтимоий ҳимоя қилиш тамойилига тўла мос тушади. "Соғлиқни йўқотганда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниш, тиббий ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқи" Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги" қонуннинг 16 моддасида алоҳида кайд этилган. Жумладан ушбу моддада касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини юқотганда ва бошқа холларда фуқаролар профилактик, таххис қўйиш, даволаш, куч кувватини тиклаш, санатория-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек беморларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқишиш парваришилар юзасидан ижтимоий чора - тадбирларни, шу жумладан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга. Тиббий ижтимоий ёрдам тиббиёт ҳодимлари ва бошқа мутахасислар томонидан кўрсатилади деб белгилаб қўйилган.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Фуқароларнинг айрим тоифалари

протез ортопедик ва мослама буюмлар ва эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа маҳсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш хуқуқига эга.

### **Назорат саволлари**

1. Саломатликни муҳофазалаш тизмиға таъриф беринг.
2. Саломатлик турлари?
3. Саломатликка таъсир этувчи омиллар?
4. СТТ шакиллантеришда хамшираларнинг роли?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Маматкулов Б. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш. Т. 2019.
2. Маматкулов Б. Соғлиқни сақлаш менежменти ва иқтисодиёти. Т., 2015.
3. Маматкулов Б., Рустамова Х.Е. Жамоада хамширалик иши. Т. 2016.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари.

**Интернет сайтлар:** [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz), [www.sestra.ru](http://www.sestra.ru), [tma.uz](http://tma.uz)

## V ГЛОССАРИЙ

1.	<b>Мутлоқ хавф</b> —маълум бир вақт ичида аҳолининг (касаллик ёки ўлим) даражаси
2.	<b>Абсолют ўсиш</b> —динамик қатордаги икки даражаси ўртасидаги фарқ
3.	<b>Адекват даволаш</b> —соғлиқни мустаҳкамлаш мақсадида қилинган профилактика самарадорлиги билан баҳоланади
4.	<b>Тезлашув</b> —ўтган авлодлар билан солиштиргандага ўсиш ва ривожланиш сувратининг тезлашуви
5.	<b>Тиббий фаоллик</b> —шахс ва ўз саломатлигини асраб авайлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган гуруҳлар ва б.қ. фаолиятибўлиб, соғлом турмуш тарзининг етакчи элементларидан биридир.
6.	<b>Анкета</b> —жамоатчилик фикрини сўров маълумотларига таяниб маълумот йиғишига мўлжалланган хужжат
7.	<b>Инсонлар яшаши учун хавфсиз муҳит</b> — инсонга таъсир этувчи хавфли омилларнинг йўқлиги
8.	<b>Бепарво</b> - яшаши учун жойнинг йўқлиги, бепарво
9.	<b>Биологик фаол қўшимчалар</b> –инсонларнинг кунлик озиқ-овқати рационида табиий ва сувний, биологик ва концентранган ҳолда қўшиладиган қўшимчалар.
10.	<b>Биологик</b> (анатомик ва физиологик ) ёши организмнинг морфо-функционал ривожланиш борасида эришган даражаси
11.	<b>Биологик ритм</b> —тана тизимлари функционал ҳолатининг тебраниши
12.	<b>Биоэтик</b> —соғлиқни сақлаш, тиббиёт ва тиббиёт фани билан боғлиқ қонунлар тамойиллар ва муаммолар профессионал фаолиятни тартибга солувчи фан
13.	<b>Тинч хотиржамлик</b> —жисмоний саломатлик, эмоционал қўлайлик ва иқтисодий хавфсизлик бундан ташқари жамиятда фуқароларга тиббий ёрдам кўрсатиш фаолиятига эришиш

14.	<p><b>Касаллик</b>–жами эндоген ёки экзоген омиллар таъсирида адаптоген механизmlарни парчаланиши оқибатида тананинг , фаолиятини қисман чеклаш фаолияти эркинлигини чекланиши билан ифодаланади. (ЖССТ)</p>
15.	<b>Бемор</b> – касаллиги бор жисмоний шахслар
16.	<b>Валеология</b> –соғлом шахсларнинг саломатлигини ўрганувчи ва организм резервларидан тўғри фойдаланиш тўғрисидаги фан.
17.	<b>Ўзаро боғлиқлик</b> –бир-бири билан ўзаро боғлиқлик.
18.	<b>Валеологик таълим</b> –илмий ва амалий билми ва қўникма, хулқ ва шахсий соғлиқни сақлаш ва одамлар соғлигини сақлаш учун фойдали маслаҳатлар ва муносабатларни таъминлаш фаолияти.
19.	<b>Валеологик ўқишбу</b> соғлиқни сақлаш ва инсон саломатлигини асрash, ривожлантириш, соғлиқни сақлаш одат ва қўникмаларидан тўғри фойдаланиш, шахсий саломатлоикни асрash тўғрисидаги билимлар мажмуи. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш воситаларини ва соғлом турмуш тарзини тўғри шакллантириш .
20.	<b>Валеологик тарбия</b> –бир умр қадриятларнинг ажралмас қисми ва саломатлик ва соғлом турмуш тарзи, оддий маданий қадриятларга йўналтирилган жараён.

## **VI АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Махсус адабиётлар**

1. Разикова И.С. «Терапияда хамширалик иши» - Дарслик. Тошкент “ZUHRA BARAKA BIZNES”МЧН босмахонаси. 2018 йил.
2. В.Н. Петров, В.А.Лопатинков, В.Л.Эмануэль, Н.Г.Петрова “Сестринское дело в терапии” Москва 2017 год.
3. Г.П.Котельников “Сестринское дело профессиональные дисциплины”. Ростов н\д. 2007 год
4. В.Г. Лычёв, Корманов В.К., “Сестринское дело в терапии. С курсом первичной медицинской помощи” Москва 2012 год.
5. Халматова Б.Т., Ўразалиева И.Р. Эшбоева К.Ў., Қосимова Д.И. “Ҳамширалик касаллик тарихи. Ҳамширалик амалиётида шахслараро мулокат кўникмалари” ўқув-услубий қўлланма. Тошкент – 2010 й
6. Перфильева Г.М. “Теория сестринского дела“ Москва – 2010 г
7. Б.М.Маматқўлов. «Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашнини бошқариш» (тиббиёт институтлари талабалари учун дарслик), М. Тошкент 2013й.
8. Маматкулов Б., Рустамова Х.Е. Жамоада хамширалик иши. Т. 2016.
9. “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасаларида юритиладиган тиббий ҳисоб хужжатларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 25 декабрдаги № 777-сонли буйруғи. Тошкент шаҳар.

### **Интернет маълумотлари**

1. [www.scopus.com](http://www.scopus.com)
2. [www.Ziyonet.Uz](http://www.Ziyonet.Uz). [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
3. [Infocom.uz](http://Infocom.uz) электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
  5. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)
  6. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)
  7. Axborot resurs markazi <http://www.assc.uz/>
  8. [www. tma. uz](http://www.tma.uz)
  9. [www. Medbook.ru](http://www.Medbook.ru)
- 10.**[www. Medlinks.ru](http://www.Medlinks.ru)